ОДАМЛАРГА ЁҚИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ? УНДА УЛАРНИНГ АҚЛИНИ ҚАДРЛАЙ БИЛИНГ.

Клод-Андрион ГЕЛЬВЕЦИЙ

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ—ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 1999 ЙИЛ 29 ИЮН, СЕШАНБА | № 26 (126) | Сотувда эркин нархда

Қонун ва ижро

ИМКОНИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари адлия бошқармалари зиммасига бир қанча жиддий вазифаларни юклайди. Хўш, қонун ва қарор талаблари жойларда қандай ижро этилмоқда? Бу ҳақда Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг бошлиғи Ғайбулла САФАРОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

- Виждон эркинлигини кафолатлайдиган, диний ташкилотлар масъулиятини ҳар томонлама оширадиган қонун ва ҳукуматимизнинг тегишли қарорлари асосида вилоят адлия бошқармаси ходимлари олдига зарур тадбирларни ўтказиш вазифасини қўйди. Вилоят адлия бошқармаси ваколатли ва мутасаддди идоралар билан ҳамкорликда вилоятимиздаги барча диний ташкилотлар фаолиятини инвентаризациядан ўтказди. Натижада 13 та диний жамоанинг рўйхатдан ўтмаганлиги аниқланиб, уларнинг фаолиятини тўхтатиш ҳақида тегишли органларга жами 23 та тақдимнома киритилди. Шунингдек, Шаҳрисабз туманидаги «Абду Шукур Оғалик» ҳамда Қарши шаҳридаги «Робия» мадрасаларининг фаолиятлари ўрганилганда, ушбу ўқув юртлари тегишли рухсатнома олмасдан фаолият кўрсатаётгани ҳамда таълим-тарбия беришда хато ва камчиликларга йўл қўйгани, молиявий талон-тарожликлар содир этилгани аниқланиб, улар фаолияти тўхтатилди.

Айни кунларда диний ташкилотлардан адлия бошқармасига рўйхатдан ўтиш учун жами 115 ариза тушган бўлиб, улардан 46 таси биринчи бор, 69 таси қайта рўйхатдан ўтказилди ва гувоҳномалар топширилди. Тегишли қонуннинг 8-моддасида фақат махсус диний маълумотга эга бўлган республикамиз фуқаролари диний ташкилотларнинг

(Давоми 2-бетда)

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли журналистлар!

Барчангизни касб байрамингиз билан чин қалбдан муборакбод этаман.

Сизларни олдинги сафларда юрадиган, ўта сезгир, халқимизни, жамиятимизни ҳушёрликка чорлайдиган, турли хавф-хатарлардан огоҳ этадиган ва асрайдиган инсонлар сифатида биламан. Ислоҳотлар йўли, янгиланиш йўли, ўзлигимизни англаш йўлидан бориш масъулиятини юрак—юракдан ҳис этадиган ва англайдиган, мана шу йўлда мавжуд бўлган барча жумбоқ ва чигал муаммоларни ечишда жонбозлик кўрсатадиган, халқимизнинг кўзини очадиган, элюрт аро маърифпат ва зиё тарқатадиган етук, жасур ва фидоий инсонлар сифатида биламан.

Журналистларнинг байрами умумхалқ миқёсида нишонланаётганида катта рамзий маъно бор. Миллат ва жамият келажаги ҳал бўлаётган бугунги мураккаб ва шарафли даврда буюк ватандошимиз Чўлпоннинг: «Бутун кучни халқ ичидан олайлик, Қучоқ очиб халқ ичига борайлик!» деган ибораси нақадар долзарб эканини юракдан ҳис этган қалам соҳибларининг тинчликка, аҳилликка, бунёдкорликка даъват этувчи сўзлари онгли фикрлайдиган, Ватан дарди билан яшайдиган ҳар бир одамнинг қалбига йўл топади.

Халқимизнинг яратувчилик меҳнати, юртимизда кечаётган ўзгаришларнинг ҳалол ва холис ифодачиси, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлмиш матбуотимиз ва матбаачиларимизнинг жамият ҳаётида тутган ўрни янада муҳим ва салмоқли бўлишига ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, ижодий ютуқлар тилайман.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар!

Ислом КАРИМОВ

БИЗНИ ҚУТЛАЙДИЛАР

«Инсон ва қонун» газетаси
«Ҳаёт ва қонун» журнали
Бирлашган таҳририятига

Ҳурматли ҳуқуқий нашрлар ижодкорлари!

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Сизни 27 июн - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин дилдан муборакбод этади.

«Инсон ва қонун» газетаси ва «Ҳаёт ва қонун» журналининг халқимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтиришда, қонунчиликни мустаҳкамлашда, фуқаролар манфаатини ҳимоя этишда ўзига хос ўрни бор.

Умид қиламизки, келажаги буюк ҳуқуқий-демократик давлат қуришдек улуғвор ишларда нашрларингиз келгуси фаолияти барча муштарийларни қувонтиради.

Ижоднинг сермашаққат йўлларида барчангизга муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳурмат билан,

Нажмиддин КОМИЛОВ
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов Комиссияси Раиси

Ҳурматли Бирлашган таҳририят ижодий жамоаси!

Мен ҳар иккала нашрни севиб мутолаа қиламан. Унда ёритилаётган ҳуқуқий саводхонлик, маданий-маърифий мавзудаги мақолалар менга жуда манзур бўлмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизларни касб байрамингиз 27 июн - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин дилдан қутлайман. Сизларга ижодий муваффақият ва сиҳат-саломатлик тилайман.

Фармон АМИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази Бухоро вилояти бўлими раҳбари, тарих фанлари номзоди

РИЗҚ-РЎЗИМИЗНИ АСРАЙЛИК

Вазирлар Маҳкамасининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни фаоллаштириш тўғрисида»ги қарорида қишлоқ хўжалик экинларининг сақланишини таъминлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш белгилаб берилган. Пайҳон қилиш ҳолатлари аниқланган жойларда айни пайтда чорва моллари, пайҳонга сабаб бўлган автотранспорт ва қишлоқ хўжалик техникаси эгаларига нисбатан қонуний чоралар кўрилмоқда.

Чорва моллар ва паррандаларнинг хўжалик экинзорларини пайҳон қилиши, далада тўпланган ҳосилга, кўчатларга шикаст етказиши фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир баравригача, мансабдор шахсларга эса иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлди. Экинзорларни ёки кўчатзорларни техника воситаларида босиб ўтилганда энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солинади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солинади. Етказилган зарарни ундириб олиш мақсадида зарар етказган моллар ушлаб турилиши мумкин. Етказилган зарар миқдорини белгилашда пайҳон қилинган майдондан олиниши лозим бўлган ҳосил назарда тутилади. Чунки жавобгарликка тортишда етказилган зарар миқдорини белгилаш муҳимки, бу зарар кўп миқдорда (энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробаридан уч юз баробаригача) бўлса, ҳуқуқбузар жиноий жавобгарликка тортилади.

Бундай маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда, уларга нисбатан маъмурий жазо чоралари тегишли туман судлари томонидан, туман марказидан олис жойларда эса шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

1999 йилнинг 5 ойи мобайнида вилоятимиз туманшаҳар судларида экинларни пайҳон қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар бўйича 2 та жиноят иши кўриб чиқилди, жиноят оқибатида хўжаликларга етказилган 296216 сўмлик зарар тергов ва суд жараёнида қопланди. 4 фуқаролик иши, 42 нафар шахсларга нисбатан 38 маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳужжатлари кўриб чиқилди. Фуқаролик ишлари бўйича 65310 сўм миқдордаги зарарларни ундириш ҳақидаги даъволар қаноатлантирилиб, ҳал қилув қарорлари чиқарилди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича 39 нафар шахсга жами 35150 сўм миқдорида жарима солинди, 46330 сўмлик зарар ундириб олинди.

Етиштирилаётган ҳосилни нобуд қилмасдан йиғиштириб олишда қонунда белгиланган жавобгарликнинг ўзи кифоя қилмайди. Жойларда фуқаро йиғинлари оқсоқоллари, ўқув юртларининг раҳбарлари, умуман, кенг жамоатчилик экин майдонларини пайҳон қилиш, нафақат жиноят эканлигини, балки бунинг оқибатида давлатимиз, халқимиз манфаатларига катта зарар етиши мумкинлигини аҳолига тушунтиришлари лозим.

Вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан экинларни пайҳон қилганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни тарғиб этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган, айни пайтда тушунтириш, ҳуқуқ тарғиботи ишлари олиб борилмоқда. Мазкур тадбирларимиз оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилаётир. Зеро, ғалла ҳам, пахта ҳам, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам бизнинг ризқ-рўзимиз. Шундай экан, ризқ-рўзимиз нобуд қилинишига йўл қўймайлик, уни авайлаб-асрайлик.

К.ХОЛМУРОДОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси ҳуқуқ-тарғибот бўлими бошлиғи

Бугунги сонда:

«МАВҲУМ КУЧ» БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

«ҚАБОҲАТГА ҚЎЙИЛГАН ТУЗОҚ»

ИЖОДИЙ МЕҲНАТ — ЗАФАРЛАР ОМИЛИ

«Ҳаёт ва қонун» журналининг 6-сони нашрдан чиқди

Ҳаётимизни матбуотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кундалик хабарларсиз, янгиликларсиз бугунги замон кишиси ўз турмушини ҳар жиҳатдан таъминланган, деб ҳисобламаслиги ажабланарли ҳол эмас. Ватанимиз истиқлолга эришгандан кейин она тилимизда чоп этиладиган газета-журналлар сони ортди, радио ва телевидения тармоқлари кенгайди. Бугун ҳар бир вилоятда, туманда телевидение студиялари ишлаб тургани матбуотимиз учун яратилаётган ғамхўрликнинг бир далилидир.

Демократик, ҳуқуқий жамият қуриш йўлида матбуот зиммасига юкланадиган вазифалар ғоятда масъулиятли ва шарафлидир. Бу жабҳада енг шимариб хизмат қилаётган минглаб журналистлар 27 июн куни ўзларининг касб байрамларини зўр шодиёналик билан нишонладилар. Президентимиз, республика ҳукумати томонидан «тўртинчи ҳокимият» вакилларига берилаётган ёрдамлар, кўрсатилаётган ғамхўрликлар ана шу байрам муносабати билан ўтказилган барча тадбирларда қайта-қайта таъкидланди.

Байрам арафасида ўқувчилар қўлига теккан журналнинг июн ойи сонида сиз «Ҳаёт ва қонун» журнали ҳамда «Инсон ва қонун» газетаси Бирлашган таҳририяти зиҳматкашларининг иш жараёнида олинган суратлари билан танишасиз. Бугунги кунга келиб халқ эътиборига тушган ушбу нашрларни сермазмун қилиб чиқаришда уларнинг ҳиссаси катта.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг XIV сессиясида юртбошимиз Ислом Каримов жамиятимиз ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий томонларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида маъруза қилди. Бирлашган таҳририят Бош муҳаррири Файзулла Қиличевнинг «Ўзбекистон янги аср бўсағасида» сарлавҳали таҳлилий мақоласида йўлбошчимиз маърузасидан чиқарилган ҳаётий хулосалар, маърузанинг тарихий аҳамияти ҳақида терап мулоҳазалар баён этилган. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссияси бош эксперти К.Аҳмедов «Миллий манфаатларнинг устувор йўналиши» мақоласида Ўзбекистоннинг Ўрта Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш борасида амалга ошираётган тадбирлари ва уларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан ижобий баҳоланаётгани қаламга олинади.

Журналнинг янги сонида ҳам ҳуқуқ-тартиботнинг соф профессионал муаммоларини ёритишга бағишланган бир қанча илмий-назарий мақолалар эълон қилинган. ТДЮИ тадқиқотчиси А.Алламуратовнинг мақоласида жиноят процессида иммунитет тушунчасининг маъноси кенг шарҳланиб, унинг моҳияти, ҳуқуқий тарафларини қандай англаш лозимлиги тўғрисида фикр юритилади. Жамоатчилик фикрининг ҳуқуқ билан алоқадорлиги, жамоатчилик фикрини ўрганишни қай тарзда талаб даражасига қўйиш мумкинлиги масаласи Адлия вазирлигининг масъул ходими Э.Сайитов мақоласида кўтарилган. И.Бобоқуловнинг «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий ҳолати», С.Қаршибоевнинг «Маъмурий жавобгарлик муаммолари», Ю.Раҳимовнинг «Сўроқ қилишда психологик ёндашишнинг аҳамияти» ҳамда Ф.Муҳитдиновнинг суд ислоҳотига оид мулоҳазалари ҳуқуқшуносликнинг долзарб назарий ва амалий проблемалари хусусида.

«Тарихийлик ва уни билиш сиёсати баландпарвозлик, ҳавойиликдан сақлайди», деб ёзади М.Бойдадаев «Давлатчиликни ўрганишда тарихийлик тамойили» мақоласида. Ушбу фикрнинг мантиқий давомини, шунингдек, тарих билан бугунимизни боғлаб турган ҳам маънавий, ҳам ҳуқуқий асослар ҳақида А.Чўлиевнинг «Ким эдигу ким бўлдик?», Ҳ.Муҳаммедовнинг «Тарих ва ҳақиқат» мақолаларида сўз юритилади. Ушбу мавзунинг жозиб поэтик ифодасини эса журналхонлар шоир Сирожиддин Рауфнинг ушбу сондаги «Кўк гумбаз» сарлавҳали шеърида кузатишлари мумкин.

Журналнинг ушбу сонида ахлоқ ва ҳуқуқнинг узвийлиги, юксак маънавий фазилатларни таркиб топтиришдек ҳаётий муаммоларга бағишланган чиқишларга ҳам кенг ўрин берилган. Ш.Тоировнинг «Лоқайдлик - жиноят», Т.Алимардоновнинг «Шахс ва ижтимоий ахлоқ», Т.Чориевнинг «Битирувчи» эмас, шахс бўлсин» мақолаларида ана шу масалалар атрофида мулоҳаза юритилади. Шоир Исматулла Мамановнинг «Кўпкари» сарлавҳали шеъри, Зайниддин Дўсматов таржимасида берилган Генри Слезарнинг «Қатл куни» ҳикояси бадиий ижод ихлосмандлари дидига мос тушади, деб ўйлаймиз.

Албатта, журналнинг ҳар бир сонини тайёрлаш, уни ўқувчиларга манзур эта билиш таҳририят ходимларидан қунт ва тинимсиз изланишларни талаб этади. Осон кечмайдиган бу ижодий меҳнатларида уларга зафарлар ёр бўлишини тилаб, қутлуғ байрамлари билан касбдошларни яна бир бор табриклаймиз.

ТАҲРИРИЯТ

БУГУН – ТАЛАБА, ЭРТАГА – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАРҒИБОТЧИСИ

Таклиф

Ўзбекистон Республикасининг саккиз йиллик мустақил тараққиёти ҳуқуқий демократик давлат бунёд этиш жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласига, уларнинг амалга ошишини таъминлашга алоҳида эътибор берилаётганлиги билан тавсифланади.

Давлатимиз Конституциясига асосан қабул қилиган ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари ўзининг чуқур ифодасини топиб, тарихий тараққиётимизнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда сўнгги йилларда бу соҳада муҳим ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилди.

(Давоми 2-бетда)

Кўрдингизми, ўқидингизми?

МУҲИМ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МАНБА

Мустақил Республикамизда инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган. Аммо хом сут эмган баъзи бандалар томонидан уларни билиб ёки билмай бузиш ҳолатлари афсуски ҳаётда тез-тез учраб турибди. Бу эса ҳали барча фуқароларнинг экологик маънавияти ва маданияти, уларнинг савияси замон талаби даражасида эмаслигидан далолатдир.

Демократик-ҳуқуқий, фуқаролик жамиятини шакллантиришда мансабдор шахслар ва фуқароларнинг экологик ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қолаверса, экологик қонун ва талабларни бекаму кўст амалга ошириш учун прокурор назоратини кучайтириш давр тақозосидир. Демак, экологик қонунларни кундалик ҳаётимизда кенгроқ қўллаш ва амалга оширишда прокуратура ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти катта аҳамият касб этади.

Шу маънода таниқли ва тажрибали олим Т.Мирзаев томонидан ёзилган «Ўзбекистонда экология муаммолари ва прокурорлик назорати» (Тошкент, «Қатортол-Камолат», 1999 й.) мавзуидаги монография жуда долзарб ва муҳим илмий адабиётдир.

Мазкур китобнинг 1-боби «Республикамиз мустақилликка эришгандан кейинги йилларда ер, сув ва ҳавони ифлосланишдан муҳофаза қилиш ва ҳуқуқтартибот борасида амалга оширилган ишлар тавсифномаси» деб номланади.

Муаллиф ушбу бобда табиатни муҳофаза қилиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоси эканлиги, табиатни муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларнинг олдини олиш келажак авлод олдидаги бурчимиз эканлиги масалаларига алоҳида эътибор берган.

(Давоми 2-бетда)

ҲУКМ ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНДИ

Таҳририятимизга мурожаат қилган Ҳалима Зарипова билан Искандар Маткаримовларнинг шикоят хати текшириб, чора кўриш учун Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига юборилган эди. Яқинда ушбу шикоятга Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Д.ХУДОЙБЕРГЕНОВдан қўйидагича жавоб олдик:

Бизга жавоб берадилар

- Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси «Инсон ва қонун» газетаси таҳририятига мурожаат қилган Ҳ.Зарипова ва И.Маткаримовларнинг шикоят хатини иш материаллари билан биргаликда текшириб чиқди.

Маълум бўлишича, Тўрткўл туман суди 1998 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 4-қисми «а» банди билан айбланиб, судга берилган Йўлдош Пирназаровга тегишли жиноят ишни кўриб чиқиб, унга 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган ҳамда жабрланувчи Ҳ.Зарипова фойдасига тегишли мол-мулкни ундириб бериш ҳақида ҳукм чиқарган.

Туман судининг бу ҳукми 1998 йил 13 октябрда Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб, ўзгаришсиз қолдирилган.

Жиноят иши Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилиб, суд ҳукми қонуний эканлигини аниқлади. Ҳ.Зарипова фойдасига тегишли мол-мулкни ундириб бериш масаласи бўйича зарур чора-тадбирлар белгилади.

ҲАҚНИ НОҲАҚ ҚИЛМАГАЙ

Шунингдек, Тахиатош шаҳри «Гидроэнергострой» қурилиш бошқармасига қарашли автобаза ишчиси Сисенбай Ўзбеков ўз пешона тери эвазига ишлаб топган пулларини ойлаб ололмаётгани ҳақида рўзномамизга катта умид билан мурожаат қилган эди. Унинг алам билан ёзган бу шикоятида келтирган барча далилларни қонуний ўрганиб чиқиб, қонунбузарларга тегишли чора-тадбирлар кўриш учун Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратурасига юборган эдик.

Яқинда мазкур шикоят хатига Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси М.АРЗИМБЕТОВ имзоси билан шундай жавоб олдик:

«Мазкур шикоят бўйича тегишли текшириш ишлари олиб борилди. Текшириш натижасида аниқландики, фуқаро С.Ўзбеков 1998 йилнинг август ойи учун ўз иш ҳақини олган. Бироқ унга берилмаган август-декабр ойлари учун 51.556 сўм, 13 ой учун 33.951 сўм, меҳнат дам олиши учун 16.912 сўм, моддий ёрдам пули 32.769 сўм, жами 113 минг 185 сўм пул фуқаро С.Ўзбековга берилмоқда».

Шуни айтадилар-да, Худо ҳақни поҳақ қилмагай, деб.

БУГУН – ТАЛАБА, ЭРТАГА – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАРҒИБОТЧИСИ

Таклиф

(Боши 1-бетда)

Маълумки, инсон ҳуқуқлари бузилишининг асосий сабабларидан бири аҳоли турли гуруҳларининг ҳуқуқий маданият даражаси, ҳуқуқий онги ҳолатининг турли босқичда эканлиги, тарихан таркиб топган менталитетнинг маълум қирралари муаммолари билан боғлиқ эканлигини ҳам қайд этмоқ даркор.

Шу сабабли мамлакатимизда амалга оширилаётган демократлаштириш жараёнини одамларнинг ҳуқуқий маданиятини оширмасдан тасаввур этиш қийин. Яъни инсон ҳуқуқларига амал қилишни таъминловчи муҳим воситалардан бири - ҳар бир кишининг ўз ҳуқуқини яхши билиши, ҳуқуқий онгини юқори даражада шакллантириш билан узвий боғлиқдир.

Истиқлолимиз шарофати ва давримиз талабларидан келиб чиқиб, олий таълимнинг таркибий ва мазмуний йўналиши ҳам ўзгарди. Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўрганиш, уларга оид билимларни ўқитишга жиддий эътибор берила бошланди. Кўпгина чет эл олий ўқув даргоҳларининг ўқув дастуридан етакчи ўрин олган мазкур дарслар эндиликда юртимиз олийгоҳларида ҳам муҳим ўрин эгалламоқда.

Шуларни назарга олган ҳолда, 1996 йилнинг июн ойидан эътиборан Тошкент Давлат юридик институти қошида фаолият кўрсата бошлаган Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш Маркази юқоридаги муаммоларни ечимига йўлантириб, ташкил этилди.

Мазкур Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари:

- инсон ҳуқуқлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;
- ўқув юртлари учун ўқув дастурлари, услубий қўлланмалар, тавсияномалар, турли нашрларни тайёрлаш;
- инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ семинарлар, конференция, давра суҳбатларини ташкил этишдан иборат.

Марказда инсон ҳуқуқларига оид адабиётлар фондига эга бўлган кутубхона ташкил этилган. Инглиз, ўзбек ва рус тилларида нашр этилган 3 мингдан зиёд китоблар, ўқув қўлланмалари ва даврий нашрлардан шу кунга қадар 16 мингга яқин китобхон фойдаланди. Марказ кутубхонанинг фонди Тошкентдаги халқаро ташкилотлар ваколатхоналар, элчихоналар, турли дастурлар кўмагида бойиб бормоқда.

1997 йилда ТДЮИ жамоасининг ўқитувчилари ва республикамизнинг бир гуруҳ олимлари иштирокида Ўзбекистонда илк бор олий ўқув юртлари талабалари учун Инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув қўлланмаси яратилди.

1997 йилнинг май-ноябр ойларида ТДЮИда ТАСИС дастури асосида «Ҳуқуқшунос касбининг мустақиллиги» лойиҳаси амалга оширилиб, унда инсон ҳуқуқларига оид билимларни ўқитиш муаммолари таҳлил этилди.

Шу билан бир қаторда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, инсон ҳуқуқларига тааллуқли масалаларни чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда таълим тизимидаги тадбирларни такомиллаштириш доирасида қуйидаги таклифларни илгари сурмоқчи эдик:

ТДЮИ негизида инсон ҳуқуқларига оид курсларни ўқитиш жараёнини таъминлаш, уларга оид муаммоларни илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича махсус кафедра ташкил этиш лозим.

Ҳукуматимиз томонидан турли ўқув юртларида «Инсон ҳуқуқлари» фанини ўқув жараёнига киритилиши инсон ҳуқуқларини ўқитиш соҳасига боғлиқ бўлган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш муаммосини юзага келтиради. Бу муаммони ҳал қилишнинг ишончли усули - илмий-педагогик мутахассисларни тайёрлашнинг аспирантура шакли ҳисобланади. Бу соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш эҳтиёжи ана шу йўналишдаги ихтисосликнинг аспирантура шаклини ташкил этиш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Аттестация комиссияси мазкур соҳа бўйича алоҳида ихтисослик шифрини киритиши ёхуд ҳозирда амалда бўлган 12.00.10 Халқаро ҳуқуқ ихтисослигига қўшишни таклиф этамиз. Бу эса бизнинг назаримизда инсон ҳуқуқлари бўйича изланишларнинг сони ва уларнинг салоҳияти ортиб боришига хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида жаҳонда тўпланган тажриба, билимлар билан яқиндан танишиш мақсадида республикамизда сўнгги йилларда ташкил қилинган «Устоз», «Умид» жамғармалари орқали ривожланган мамлакатларнинг илғор ўқув марказларига иқтидорли ёшлар, мутахассислар, ўқитувчиларни юбориш мақсадга мувофиқ бўларди.

ТДЮИ ҳамда ҳуқуқшунос мутахассислар тайёрлайдиган бошқа олий ўқув юртларида инсон ҳуқуқлари билан хориждаги шу соҳада шуғулланадиган марказлар ўқув юртлари мутахассисларининг тажриба алмашинувини жорий этиш лозим.

Мутахассис олимларни жалб этган ҳолда оммабопсиёсий адабиётларни чоп этишга мўлжалланган нашриётларда аҳолининг кенг қатламига мўлжалланган адабиётлар, ўқув қўлланмалари, рисолаларни нашр этиш ва шу рукн остида адабиётлар тайёрлашни кенг йўлга қўйиш лозим.

Мамлакатимизда ва хорижда нашр этилган инсон ҳуқуқларига оид адабиётлар билан республикамиз кутубхоналарини давлат бюджети ҳисобидан мунтазам таъминлашни йўлга қўйиш керак.

Республикамизда юқори малакали ҳуқуқшунос мутахассислар тайёрлашда катта мавқега эга бўлган олий ўқув маскани - Тошкент Давлат юридик институтининг алоҳида ўрни бор. Юқоридаги таклифларим амалга татбиқ этилиши институт битирувчилари ҳуқуқий фаолиятининг турли соҳаларида хизмат қилишлари билан бир қаторда кенг маънода инсон ҳуқуқларининг тарғиботчилари бўлиб етишишларида катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
ТДЮИ халқаро ва қиёсий ҳуқуқ кафедраси мудири

Қилмиш-қидирмиш

ТЎҒРИ ЙЎЛДАН ТОЙГАНЛАР

Осойишта тунларни осуда тонгларга улаб, эл-юрт хотиржамлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган минглаб ички ишлар ходимларининг фидоийлиги барчага маълум. Уларнинг сергакликлари, ҳушёрликлари туфайли ҳар куни қанчадан-қанча жиноятларнинг олди олинади. Бундай жиноятларнинг аксарияти эса ўғирлик билан боғлиқдир.

1998 йилнинг айни ёз пайтлари эди. Дўстлик туман ички ишлар бўлимига биров телефон қилиб, пахта тозалаш корхонасидан анчагина пахта маҳсулоти талон-тарож қилинаётгани ҳақида хабар берди. Жиноят-қидирув гуруҳи тезкор вакили Фарҳод Жабборов ва милиция ходими Шукур Абдуев воқеа содир этилаётган жойга етиб боришганда Нуриддинов деган кимсанинг автомашинасига тойланган пахта маҳсулотини ортишаётганига гувоҳи бўлишди. Одатга кўра, маҳсулотнинг ҳужжатлари суриштирилди. Тезкор гуруҳ вакилига тақдим этилган ҳужжатлар ҳақиқийми ёки сохта эканлигини аниқлаш лозим эди. Бироқ ўша пайтда корхона идорасида ҳисобчилар йўқ экан. Ҳужжатлар аниқлангунга қадар маҳсулот ички ишлар бўлимига олиб келиниши лозим эди. Гуруҳ бошлиғи пахта тойларини санаб чиқиб, ишни тезроқ тугатиш мақсадида шу ерда томошаталаб бўлиб турган йигитдан тойларни ортишга қарашиб юборишни илтимос қилди. Бироқ йигит ўзини эшитмаганга солиб, тескари қараб олди. Ф.Жабборов такрор илтимос қилганда эса:

- Ортишмайман! Бор қаерга борсанг, боравер! - деди қўполлик билан.

Қўпол муомала оқибатида милиция ходими билан фуқаро ўртасида низо чиқди. Томошабин бўлиб турган Шерзод Содиқов фуқаролик бурчи, масъулият тушунчаларидан йироқлиги сабабли ички ишлар бўлими ходимларига қўполлик қилди. Ўртадаги келишмовчилик охир-оқибатда муштлашувга айланди, Шерзод ғазабга миниб Ф.Жабборовга мушт тушириб қолди. Шу орада мол боқиб юрган Шерзоднинг туғишган акаси Исроилжон Эргашев ҳам укасининг тарафини олиб жанжалга аралашди. Воқеа жойига ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи муовини Бекмурод Жўраев бир гуруҳ ходимлар билан етиб келганда Шерзод ва Исроил милиция ходимларига фаол қаршилик кўрсатиб, уларга зиммаларидаги вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилишаётган эди. Жанжалга Искандар деган йигит ҳам аралашди. Маълум бўлишича, у ҳам Шерзоднинг акаси экан. Хуллас, милиция Ф.Жабборов ва А.Муқумов тан жароҳати олишди. Ўзларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан ака-укалар ҳам азият чекишди. Ака-укалар ички ишлар бўлимига олиб келинганда Содиқов Шерзоднинг чўнтагидан 0,6 грамм гиёвандлик моддаси топилди. Шерзоднинг милиция ходимларига фаол қаршилик кўрсатганининг сабаби бир қадар аён бўлди.

Хўш, Шерзод Содиқов ким, нима учун низо келтириб чиқарди? Шерзод йигитлик даврининг анчагина палласини жамиятимизга ёт ишларга бағишлаган. Мактаб қўчоғидан чиққан ёшлар ўқишни орзу қилиб юришганида, у уйидан узоқларга кетиб, бетайин кишилардан диний сабоқ олди. Бироз «таълим»га эга бўлгач, одамларга, жамиятга нисбатан қарашлари ўзгарди. Ўзини ўзгалардан баланд тутадиган бўлди. Исломга ёт бўлган ғояларни атрофдагиларга сингдиришга урини яшади. Унда ўзгаларни менсимаслик, кибрланиш одатлари пайдо бўлди. Кибр-ҳаво охир-оқибат унинг ҳаётини барбод бўлишига олиб келди. Барча қатори тоат-ибодат билан шуғулланмай, «ваҳҳобийлик»ка сажда қилишни одат этди.

Ш.Содиқовнинг «устозлар»дан таълим олиб юрганини ота-онаси билармиди? Албатта, билган. Лекин ўғлини тўғри йўлга қайтариш учун ҳаракат қилмаган. Ахлоқсизлик, қўнимсизлик Шерзоднинг ақидасига айлана борган. Маҳалла аҳли, оқсоқоллар, фаоллар ҳам Шерзоднинг номақбул йўлга тушиб кетганини била туриб, бирор чора кўришмаган. Шу боис жамиятга нафи тегмайдиган, диндорлар орасига нифоқ соладиган оқимга мансуб киши пайдо бўлган. Ўз вақтида бунинг олдини олиш ва Шерзодни ҳақ йўлга бошлаш мумкин эди. Афсуски, бундай бўлмади.

Яқинда Шерзод Содиқов ва Исроил Эргашевга нисбатан қўзғатилган жиноий иш Пахтакор туман судида кўриб чиқилди. Ш.Содиқовга нисбатан суд озодликдан маҳрум этиш жазоси белгилади. И.Эргашевга эса амнистия қўлланилиб, озодликка чиқарилди. Ака-укалар оилада тўғри тарбия топишганида эди, умр саҳифаларига қора доғ тушмаган бўларди. Тўғри йўлдан тойганлар бундан хулоса чиқариб олсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бешим НАВРЎЗОВ,
Дўстлик туман прокурори, адлия маслаҳатчиси

Қонун ва ижро

ИМКОНИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

раҳбарлари бўлишлари мумкин, дейилган. Рўйхатдан ўтказилган 106 та диний ташкилотнинг 39 тасида махсус маълумотга эга шахслар, 76 тасида эса мусулмонлар идорасининг вилоятдаги вакили тавсияномасига эга кишилар имом-хатиб вазифасига тайинланишди. Шунингдек, баъзи туманларда (Китоб, Яккабоғ, Шаҳрисабз) ҳаёт тажрибаларига эга бўлмаган, давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни чуқур идрок эта олмайдиган, давлат сиёсатидан яхши хабардор бўлмаган нисбатан ёш шахслар имомхатиб вазифасига тайинланганлар. Қарши шаҳридаги «Наво» диний ташкилоти раҳбари Муҳиддин Шодмонов эса Қарши шаҳар спорт мактабида мураббий вазифасида ишлаб келса-да, имомхатиб вазифасига тайинланган. Диний ташкилотнинг раҳбари иш жойида бўлмай, бошқа машғулотлар билан шуғулланиб юрганлиги аниқланиб, унга тегишли чора кўрилди. Зеро, диний ташкилот раҳбарининг вазифасига совуққонлик билан қараши, юридик шахс мақомига эга бўлган диний ташкилотнинг ҳисоб-китоб ишларини юритмаслиги, намозхонлар ўртасида тарғиботташвиқот ишларини олиб бормаслиги оқибатида турли хил қонунбузарликлар, шариат ва қонунларга зид ҳаракатлар содир этилиши мумкин. Бундай ҳолларни Китоб туманидаги «Ҳазрати Шамсиддин Кулол», Чироқчи туманидаги «Ҳазрати Умар», Касби туманидаги «Р.Суяров», Қарши туманидаги «Имом майин» диний ташкилотлари раҳбарлари фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Баъзи диний ташкилотларнинг манзилгоҳлари ва жойлашуви ўрганиб чиқилганда, бир хўжаликда эҳтиёждан ташқари ёнма-ён масидлар қурилганлиги ҳам аниқланди. Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ туман ва шаҳар ҳокимликларига адлия бошқармаси томонидан диндорлар эҳтиёжидан ортиқча қурилган баъзи биноларни аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олиб, зарур мақсадларда фойдаланиш учун топшириш тўғрисида тавсияномалар киритилди.

Суҳбатдош: Ғози РАҲМОН,
«Инсон ва қонун» мухбири

Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!

НОВВОЙЛАР ЧУВ ТУШДИ

«Андижон шаҳаргаз» идорасида чилангар бўлиб ишловчи Сойибжон Усвалиев «тирикчилик» ўтказишнинг ажойиб усулини ўйлаб топди. Қандай дейсизми? Табиий газдан фойдаланувчилардан пулни олиб ғазнага топширишни «унутиб» қўядиган бўлди. «Зўр йўл, зўр усул». У 1998 йил август ойида Андижон шаҳар, Акрабод кўчаси, 4 уйда яшовчи Қобилжон Тошбоевни алдаб, унинг ишончини суиистеъмол қилиб, табиий газдан фойдалангани учун 2500 сўм пулни олган ва буни ғазнага топширмасдан ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Орадан ҳеч қанча ўтмай сентябр ойида яна шу Қобилжон Тошбоевни алдаб, такроран унинг ишончини суиистеъмол қилиб, новвойчилик қилиб табиий газдан фойдалангани учун квитанцияни ўзи олиб бориб беришни ваъда қилиб, яна 2500 сўм пулни олган ва ғазнага топширмасдан ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Нафси ҳакалак отган, тирикчилик важидан ўз чўнтаги билан давлат ғазнасини адаштириб қўйган Сойибжон Усвалиев яна «овни» давом эттирди. Яна Қобилжон Тошбоевни алдаб, унинг ишончини суиистеъмол қилиб, у билан «Табиий газдан хусусий тадбиркорлик мақсадида фойдаланиш бўйича хўжалик алоқалари тўғрисида» 34-шартномани тузиб, бунинг учун 3162 сўм газ ҳақини олиб, бу ҳақда шартномани тагига ёзиб, ўз имзоси билан тасдиқлаб, квитанция олиб келиб беришни ваъда қилиб, пулни кассага эмас, киссага уриб кетаверди.

Энди ўрмонга қадам қўйган кишининг ичкарига киргиси келавергани сингари Сойибжон Усвалиев ҳам ўз жиноий фаолиятини кенгайтирди. 1998 йил 15 октябр куни Андижон шаҳар, Беруний 3-тор кўчаси, 14-уйда яшовчи У.Султоновни алдаб, икки ойдан бери табиий газдан қонунсиз фойдалангани учун деб 10 минг сўм пул олиб, квитанциясини кейин олиб келаман деб, пулни ғазнага топширмаган.

Шундай тартибда у фуқаролар И.Нишоновдан 13 минг сўм, К.Абдувалиевдан 11 минг сўм олиб, ўзининг эҳтиёжига сарфлаб юборган. Аммо қинғир ишнинг қийиғи тезда чиқди. 1998 йил 18 ноябр куни Андижон шаҳар Акрабод кўчасида яшовчи фуқаролар М.Насруллаевдан 2500 сўм, И.Кўчқоровдан 11 минг сўм пулни олиб, уларнинг номига тузилган далолатномаларни йиртиб ташлаган вақтида ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ушланди.

Фирибгар, давлат ғазнасига тушиши лозим бўлган пулларни шахсий манфаатлари учун ўзлаштирган Сойибжон Усвалиев Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси, 3-қисми «а» бандида кўзда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Козимжон КАРИМОВ,
Андижон вилоят судининг судьяси

БОБОЖОН, МОМОЖОН, КЎЧАДА ҚОЛДИРМАНГ БИЗНИ!

Оқибат қани?

Таҳририятимизга Хатирчи туман Э.Абдиев номидаги жамоа хўжалигида яшовчи Гулноза Пардаева деган аёлдан хат ва иловаси бир даста ҳужжат келди.

Ҳали ўн гулидан бири ҳам очилмаган келинчак. Орзу-ҳаваслари рўёби умидидаги жусса. 1992 йилда Салим Эшимов деган йигитга турмушга чиқибди. Биргаликда ер олишиб, 2 хоналик уй қуришибди. Бир йил ўтмасдан, эрига Шоҳруҳ исмли қўчқордек ўғил, бобо-момоларига ширин-дан-шакар невара туғиб берибди. Иккинчи фарзандга ҳомиладор пайтида 1994 йил октябрида эри тўсатдан вафот этибди. Жажжи қизчаси Нурхоной ота дийдорига, эркалатишларига етишолмасдан дунёга келибди. Икки болани ювиб-тараш, едириш-кийдиришнинг ўзи бўлмайди, «да-да» дейишганларида эса юрак-бағринг қон бўлиб кетади. Гўдаклар отадан ололмаган меҳрларини бобо-момоларидан, амакиларидан «ахтаришади». Қоралари кўринди дегунча пешвоз югуришади. Аммо... «болаларим оқибатли бўлинглар» деб доимо дуога қўл очувчи бобоси Нормат ва моможонлари 1997 йилнинг ёз чилласи «қутурган» паллада келишди-ю, гапни «нарибери чайқатишиб» келину невараларини кўчага ҳайдашди. Уйга ўзлари жойлашиб олишди. Гулноз гўдаклари билан ўз ота-онасининг ҳовлисидаги ўчоқ хонада ёзу-қишни ўтказа бошлади.

Ёш бева болачаларини етаклаб, аввалига роса «оқибат» сўради, ялинди, ёлворди. Барчаси бефойда кетди. «Пичоқ суякка қадалгач», судга берди. 1998 йил август ойида Хатирчи туман суди адолатли ва қонуний қарор чиқариб берди: «Уй Гулноза Пардаева ва болалариники...».

Аммо қарор ижроси билан бўлмади. Ҳанузгача аёл ва гўдаклар ўз отамерос уйларига кўчиб киролмасдан сарсон.

Ана «оқибат»дан бир шингил! Туман суди ўз қарори ижросини таъминламас экан, қоғоз тўлдиришдан не ҳожат эди? Қолган назоратчи, кузатувчи, раҳбар идоралар-чи? Шундай факт мавжудлигидан бехабармисизлар?

Таҳририятимиз, газеталаримиз, Гулноза қизимиз, 2 та норасида невараларимиз «оқибат»га жавоб кутади.

«Инсон ва қонун» Бош муҳаррири



Энг гўзал юрт – Ўзбекистоним!

Қонуннинг адолатли ёки адолатсиз экани халқнинг тўла-тўкис ё қисман фаровонлиги билан белгиланади.

РАҲМ-ШАФҚАТ ОДАМИЙЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг инсонпарварлик тамойилларига амал қилиб, 30 апрелдаги «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан Амнистия тўғрисида»ги Фармони муносабати билан нисбатан енгил жиноятлар содир этиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинганлар жазо муддатини ўтаётган жойлардан озод этилиб, уйларига, туғишганлари ва қариндошуруғлари ёнига қайтаяптилар. Бу учрашувларни озодликдан маҳрум этилганларнинг ўзларигагина эмас, балки уларнинг оилалари, фарзанду ота-оналари интизорлик билан кутишаяпти.

Кўпгина ривожланган капиталистик давлатларнинг жиноят қонунларида махсус жазо чоралари йўқ. Бу ана шу давлатларда одам ўлдириш, номусга тегиш, босқинчилик, террорчилик каби энг оғир жиноятлар содир этилмайди, деган гап эмас, албатта. Уларнинг жиноят қонунларида махсус (ўлим) жазоси қўлланмасликнинг боиси аввало, одамларда инсонийлик ҳиссини уйғотиш бўлса, кенг маънода кишиларга раҳм-шафқат қилишдир.

Жиноятчиларнинг жиноят содир этмасдан бурун ўз қилмишлари учун жавоб беришларини ва бу қилмишлари учун жазо чораси олишларини ҳис қиларми-кан? Аммо шуниси қизиқки, бирор жиноятчи жиноят содир этаётган пайтида ўз жиноятини, албатта очилиши мумкинлигини хаёлига келтирармикан ёки жазодан қочиб қутуламан, деб ўйлармиканлар?

Ўтмиш тарихдан, мутафаккирларимиз ёзиб қолдирган дурдоналардан шу нарса аёнки, «раҳм-шафқатсизлик» қаттиққўллликни туғдиради. Қуръони Карим ҳам одамларни кечира билишни, адоватли бўлмай, адолатли бўлишни, йиқилганларни тепиб ўтмай, тургизиб қўйишни уқтиради. Бундай фикрлар бошқа диний қарашларда ҳам мавжуд.

Жиноятчилар кимлар ўзи? Улар жар ёқасига тушиб қолган кишилар бўлиб, ўзларини озмиқўпми тутиб олган, хотиржам оилаларни, уларнинг аҳил яшаётган хотин, болачақасини кўриб, ҳам ҳавас, ҳам ҳасад қиладилар.

Ҳисоб рақамлари шуни кўрсатаяптики, республикамиздаги жиноятчиларнинг 80 фоиздан кўпроғи 45 ёшгача бўлган оиласиз кишилар. Улар илгари уйланганлару ичкилик ва кашандаликка берилиб кетиб, охир-оқибатда рўзғорлари бузилиб кетган. Бу кишилар ўзларининг ҳамсинфлари, ёшликдаги ёру жўралари билан учрашганда уларнинг тинч турмушини, хотиржам яшаётганларини, уларнинг фарзандли, айримлари невара-чеварали бўлганини, ишдан қайтаётган бу оғайниларини оиласи, ўғил-қизу невараларини иссиқ кутиб олишни ҳис қилиб ҳаваслари келади, албатта. Жиноятчи эса ичкиликбозликдан сўнг ёки навбатдаги ўғирликдан кейин қаерга боради, уларни ким кутиб олади, ўзи билмайди...

Кечира олиш, шафқат қилиш ҳаммага ҳам хос эмас. Президентимиз Ислом Каримов ўта зийраклик ва донишмандликларини намойиш қилиб, йиқилганларни тиклаб қўйишга йўл очдилар. Қаттиқ туртиниб йиқилганларга қаддини тиклаб олиб, бир орқага қараб, ўз айбларини билиб олишга ва янги ҳаёт йўлини бошлаш имкониятини бердилар.

Ушбу Фармон эълон қилинганидан кейин ўтган икки ой давомида биргина Юнусобод туманининг ўзида ҳар хил жиноятлар содир этган 104 кишига авф этиш акти қўлланилди. Уларнинг кўпчилиги жазо муддатини ўтаётган жойларидан озод қилинди. Шу жумладан, 32 нафар хотин-қиз, 14 нафар балоғатга етмаган ёшлар жазодан тўла озод этилдилар. Кўпгина кишиларга эса тайинланган жазо муддатлари қисқартирилди. Бундай кишилар орасида товламачилик қилган Юнусобод туманида яшовчи Т.А.Шаниёзова, безорилик билан судланган Гулнора Расулова, Д.Юсуповалар бор.

Ушбу меҳр-шафқат, инсонпарварлик акти туфайли уйларига қайтаётган, қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, ижтимоий-фойдали меҳнатга қайтаётган ҳамюртларимиз осуда ҳаётида дадил қадамлар ташлаб, садоқатли меҳнат қилаётган софдил кишиларимиз қаторига қўшилиб, юртимиз ободончилиги учун халқ билан елкама-елка туриб ишлайдилар, деб умид қиламиз.

Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ,
Юнусобод тумани прокуратураси иш ўрганувчиси

МУҲИМ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МАНБА

(Боши 1-бетда)

Монографиянинг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг ижросини назорат қилишда прокурор фаолиятидаги муаммолар» бобида ер, сув ва ҳавони ифлосланишидан муҳофаза қилиш борасида қонунчилик ижроси тўғрисидаги прокурорлик назорати ҳамда меъёри, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг бажарилиши юзасида прокурор назоратига бағишланган.

Ушбу монографиянинг 3-бобида Саноат ва қишлоқ хўжалик соҳасида ҳамда давлат экология назорат органларида ер, сув ва ҳавони ифлосланишдан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қишлоқ қонунчилигини бажариш жараёнида прокурор назоратининг афзаллик томонларининг экологик-ҳуқуқий ҳолати тўла очиб берилган.

Монография машаққатли меҳнат маҳсули сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисинин XIV сессиясида қўйилган муаммолардан бирининг ечимига қаратилганлигини алоҳида қайд этиш ўринли. Қолаверса, ушбу монография амалиёт ходимлари учун муҳим бир қўлланма сифатида экологик муаммоларининг олдини олиш ва унга қарши курашда прокурорларга катта ёрдам беради. Иккинчидан, ҳуқуқшунослик мутахассислиги мавжуд бўлган ўқув юртларида экология муаммолари билан боғлиқ масалаларни тушунтиришда алоҳида ўқув манбаи бўлиб ҳисобланади. Учинчидан, келажакда мазкур китобга асосан юридик мутахассислиги мавжуд олий ўқув юртларида «Ўзбекистонда экология муаммолари ва прокурорлик назорати» номли алоҳида махсус курс ўқитилишини таъминлашни йўлга қўйиш мумкин. Тўртинчидан, ушбу монография нафақат прокурорлик назорати учун балки, «Экология ҳуқуқи», «Ер ҳуқуқи», «Экология-ҳуқуқий жавобгарлик» махсус курсларини кенгроқ манба бўлиб ҳисобланади.

Хуллас, тажрибали олим Т.Мирзаев томонидан илк бор қўл урилган ушбу мавзу ҳаётий, иқтисодий, экологик ва ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ягона ҳуқуқий манбадир. Мазкур монография ҳуқуқий ислоҳотларни чуқурлаштиришга ва уни амалга оширишга, аҳолининг экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбиясини шакллантиришга, экологик қонунларни ўз вақтида тушунибборишга ҳисса қўшади. Зеро, ушбу китоб нафақат прокурорлар учун балки барча мазкур масала билан қизиқувчи китобхонларга ҳам манзур бўлади деган умиддамиз.

Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ,
юридик фанлари доктори

Мулоҳаза

«МАВҲУМ КУЧ» БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

«Мавҳум куч» дегани нима ўзи? Қандайдир расмий ё норасмий ташкилотми? Ёки бирор зўравонми? «Мен мавҳум кучман!» дегувчи шоввозни кўрганлар борми? Йўқ, ўша йўқ «мавҳум куч»нинг номидан ваҳима қиладиган оғзиботирлар бор, холос. Бизнингча, ожиз, қўрқоқ, нотавон кимсаларгина мадад оладиган манбаи «мавҳум куч».

Инглиз ёзувчиси Жеймс Чейзнинг «Қиз ўғриси» асарини ўқигансиз. Бадавлат киши - Феликс Мэрлоу хотини ўлгандан кейин Рина исмли аёлга уйланади. Тақдирнинг нотантилигини қарангки, унинг биринчи хотинидан кўрган Одетта исмли ўн тўққиз ёшли қизи ўгай онаси билан тил бириктириб, ярим миллион долларни қўлга киритиш пайига тушади. Бегонадан эмас, айнан шу оила бошлиги - Мэрлоудан! Режа бўйича гўё Одетта ўғирлаб кетилади. «Ўғри» - Гарри Барбернинг иштирокида Одетта ўз оёғи билан «ўғирланади». Сўнг «ўғри» қизнинг отасидан ярим миллион доллар талаб қилади. Охир-оқибатда Одетта жувонмарг бўлиб, отаси ярим миллион долларга қуйиб қолаверади. Рина ва ўйнаши шарманда бўлади. Асар қаҳрамони Гарри Барбер кўпдан-кўп руҳий изтироблар чекади, алданади...

Бир китобхон сифатида мазкур асарни капиталистик дунё воқелиги деб қабул қилган эдим.

Таассуфки, бугун шунга ўхшашроқ воқеа-ҳодисалар гоҳо кўз ўнгимизда ҳам учраб қолмоқда. Бўзсувдан нарироқдаги машҳур маҳаллада улғайган «қаҳрамон» - Норгул ўн етти ёшда. Хайриятки, унинг онаси Алфия ўгай эмас. Бироқ бойлик топиш йўлидаги васвасалар уни ўгайдан баттароқ қилиб қўйган. Бўлмаса, гулдек қизини шу қўйларга солармиди?

Алфия қизини пул топишга «ўргатган». Қандоқ қилиб дейсизми? Оддий товламачилик йўли билан!.. Қизалоқ содда кимсаларни тузоғига илинтиргани ҳамоно чулдирашга тушади:

- Бул замонда пул топишдан осони йўқ! Тунов куни битта базадан юз минг дона кирсовун олиб, қишлоқлик «бизнесчи»ларга сотдик. Устига атиги икки сўмдан қўйдик. Оз эмас, кўп эмас - икки юз минг сўм соф фойда чўнтакка тушди.

- Шунча иш наҳот хамирдан қил суғургандек осон битса?!

- Бунда беш бармоқни бирдек оғизга уришга ошиқманг. Бошқаларнинг, аниқроғи, мафиянинг «доля»сини ташлаб туриш лозим.

- Ким, қаерда ўша мафия?

- Шуниям билмайсизми? - хиринглайди қизча ўзига ярашмаган бир алфозда. - Биринчиси - ўзимиз, иккинчиси - шунча совунни берган одам ва хат-ҳужжат қилган ҳисобчилар ва ҳоказо.

- «Ҳоказо» деганинг ким бўлди?

- «Мавҳум куч»нинг давоми.

- Яъни?

- Биздан шунча совунни олганлар ҳам шу тариқа қўлма-қўл қилишади-ку...

- «Мавҳум куч»нинг бошадоғи борми ўзи?

- Менимча йўқ, бидирлайди қиз. - Ахир, ўша совунлар ишлаб чиқарилишидан илгари ҳам хом ашёси қўлма-қўл бўлиб келгандир? Совундан ташқари чой, мурч, қўлбола ароқ, вино ва ҳоказолар тайёрлаётганларнинг қанчасини биламан. Шулардан биттаси кундакунора минг дона ароқ сотиб олади-да, оддий сув билан ёрлиғини ювиб ташлайди ва харидорлар кўпроқ оладиган навининг ёрлиғини эринмасдан ёпиштириб чиқади ва қайтадан пуллаворади. Ҳар бир шиша ароқ устига камида эллик сўмдан қўйилган тақдирдаям, нақд эллик минг сўм ютаркан. Эътибор қилинг, минг шиша ароқдан - эллик минг сўм фойда. Ана энди бир ойда ўн минг, юз минг шиша ароқни шунақа «қайта ишлов» бериб пуллаётганларнинг фойдаларини ўзингиз ҳисоб-китоб қилаверинг!.. Албатта, шунча ишни бир киши эплаши қийин. Кўча-кўйдаям, бозорнинг ўзидаям ёрдам ва «ҳимоя» зарур бўлади. Ёрдам ва ҳимоя қилганлар эса «доля»сини олмай қолмайди. Сиз «йўқ» деб баҳслашаётган «мавҳум куч» ана шулар эмасми? Булар нисбатан кичикроғи. Катталари эса «тепа»роқдан кузатиб, керак бўлганида қаноти остида эсон-омон сақлаб туришади!..

- Буларни сен қаёқдан биласан? Шунақа тўдалар билан алоқа қилишдан қўрқмайсанми?

- Нага қўрқишим керак? - пиқирлаб кулади Норгул. - Манаман деган каллакесарлар ўзимми окаларимку!.. Қолаверса, адам билан опамми (онамни, демоқчи) зўр-зўр таниш-билишлари бор...

- Бўлса нима қипти?

Норгул яна қиқирлайди:

- Гапни гапир уққанга, деганлари шу экан-де...

Суҳбат асносида сездимки, қизча ёлғонни ҳам сувдек ичаркан. Бир бора ёлғон сўзлаган одам уни хаспўшлаш илинжида иккинчи ёлғонни ҳам тўқиб чиқаришга маҳкум. Ёлғонлар занжири эса бир куни бўйнига илондек чирмашганини сезмай қолади. Норгул ҳам кўпчиликдан пул олиб, уларни чув туширган экан.

- Ҳозирги ёшларга ўргатишга ҳожат йўқ, ўзлари ҳаммасини вақт-соати билан билиб оладилар. Норгул ҳам шулардан бири.

Кимдан қанча пул олганини ман қаттан билай? Қарздор бўлса, эвазига қизимизнинг ўзини олиб кета қолишсин... Ҳе, билганини қилишсин, - дейди онаси.

- Шу гаплардан отасининг ҳам хабари борми? - вужудимиз титраб сўраймиз она дегичдан.

- Бўлмасам-чи! - пинагини бузмайди аёл. - Отасиям шунақа дедила. Кечдим бу қиздан, кўзимнинг олдида нима қилишсаям розиман, дедила...

Эшитган қулоғимизга ишонмаймиз. Наҳотки, наҳотки? Эҳтимол, улар ҳам Маркеснинг «Ёлғизликнинг юз йили» романини ўқишгандир. Мулат қизчанинг қисматидан бохабардир? Қизча ухлашидан илгари шамни ўчиришни эсдан чиқаради. Натижада бувиси иккови яшайдиган уй куйиб, кул бўлади. Шундан сўнг аламзада буви қизчани шаҳар ва қишлоқлар бўйлаб олиб юрганча, унинг бошига не кўйларни солмайди?..

Норгулнинг онаизори оғзидан чиқаётган бўлмағур гаплар ҳам худди ўша шафқатсиз «буви»нинг қилмишини эслатади...

Ҳазил-ҳузилдан ўқ чиқар, деган мақолни унутганлар бойлик деган жойда ор-номуснинг ҳам баҳридан кечиб юбориши ҳеч гапмас. Андишанинг отини қўрқоқ қўйган бундай кимсаларнинг ўзлари бора-бора «мавҳум куч»га айланиб қолаётганга ўхшайди... Ана сизга замона зайлидан кўнгилнинг майлини қондиришнинг усули...

Ўткинчи ҳою-ҳавас деб хаёлий «мавҳум куч»га айланаёзган Норгул сингари қизлар қисматига бефарқ қараб туриш мумкинми? Бир туман ички ишлар бўлимида бўлган ҳангомани салгина қиртишлаб қоғозга туширдим. Хўш, сиз бунга нима дейсиз?

Тўлқин ЭШБЕК,
журналист

Фуқаролик жамияти сари

ЖАМОАТ НАЗОРАТИ КУЧАЙСИН



Ўзбекистон давлатчилигининг тобора мустаҳкамланиб ва ривожланиб бориши билан давлатнинг баъзи ваколатларини халқнинг ўзига, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига беришни таъминловчи фуқаролик жамияти шакллана бошлади.

Давлат сиёсий партиялар ва жамоат ҳаракатлари юзага келиши ва ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этиб, республикада демократия тараққиёти учун шарт-шароит яратмоқда. Бир қатор демократик мамлакатлар тажрибасидан кўриш мумкинки, капиталистик давлатларда маҳаллий органлар тизими аввало, феодал ва яримфеодал ер эгалари билан буржуазия ўртасидаги, сўнгра эса буржуазия ва халқ ўртасидаги курашнинг бевосита таъсири остида шакланди. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, синфлараро кураш яхшиликка эмас, балки жамиятдаги барқарорликнинг емирилишига олиб келади.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси янги жамият қуришда ислоҳотларни тинч, босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танлади. Дастлабки босқичда жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш учун давлат ҳокимият органларини марказлаштириш вазифасини ўз зиммасига олди. Чунки давлат фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари таъминланишининг кафолатидир. Шу муносабат билан давлат бугунги кунда ўз ваколатларининг маълум қисмини маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига бераётир. Булар фақатгина сайлаб қўйиладиган органлар бўлиб қолмай, балки марказий давлат идораларига нисбатан бирмунча мустақилликка ҳам эгадирлар. Маҳаллий ўз-ўзини бошқарув тузилмалари ҳар доим марказий қонун чиқарувчи органлар тасдиқлаган қонунлар доирасида фаолият юритишлари лозим.

Капиталистик мамлакатлар, капиталистик тузумни кўзлаган мамлакатларда одатда маҳаллий бюджет, халқ таълими, санитария, соғлиқни сақлаш, йўллар аҳволини назорат қилиш, аҳоли яшаш жойларининг фаровонлиги, атроф-муҳит муҳофазаси каби масалалар ўз-ўзини бошқариш органларининг ваколат доирасига киритилган. Буни қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин.

Францияда (1982 й.) фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига алоҳида мақом берилган бўлиб, уларнинг депутатлари аҳоли томонидан 6 йил муддатга сайланади. Ҳар 3 йил сўнггида Кенгаш тенг ярмига янгиланиши керак. Мажлис раиси ижрочи орган функцияларини бажаради, унинг аъзолари томонидан 3 йил муддатга сайлаб қўйилади.

Германияда фуқароларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқарувчи органларига номзодлар 4 йил муддатга сайланадилар, маҳаллий бюджетни шакллантириш, маҳаллий хизмат турларини йўлга қўйиш уларнинг ваколатлари доирасига киритилган.

Италияда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига номзодлар 4 йил муддатга сайланадилар. Бу органлар ўз ваколатлари доирасида фуқаролик ҳолатлари далолатномалари тузади, жамоат хавфсизлиги ва санитарияга оид буйруқлар чиқаради, жамоат тартибини назорат қилади ва ҳоказо.

Республика Олий Мажлисининг XIV сессиясида «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Бу эса фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг жамиятда манфаатлар мутаносиблигини таъминлаш йўлидаги фаолиятини янада жонлантириб юборади. Эндиликда маҳалла жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий ва жисмоний соғломлиги учун фаол курашиш имкониятига эга бўлди. Ўз-ўзини бошқариш органлари болалар жиноятчилигининг олдини олиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ишсизликни бартараф этиш, уларни экстремистик, ақидапараст, дин ниқобини кийган бузғунчи гуруҳлар таъсирига берилиб кетишидан сақлаш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш учун кураш олиб боради.

Фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларининг бош вазифаси, энг аввало шахс ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш эканлигини Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузаларида бир неча бор таъкидлаб ўтганлар. Бу масала ҳуқуқшунос олимлар - профессор Ҳ.Бобоев, З.Исломов, Ш.Шораҳмедов, Г.Саркисянц, Г.Тансиқбоева каби олимларнинг бир қатор мақолаларида ҳам назарий жиҳатдан ҳар томонлама ўрганилиб, кенг очиб берилган.

Юртбошимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясида: «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига» деб таъкидлар экан, бу билан Ўзбекистонда демократик жамият қурилишининг туб моҳиятини эслатиб ўтдилар.

Давлатимизнинг жамиятни демократлаштириш борасидаги ғамхўрликларига қарамай, айрим ҳокимлар томонидан хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик каби иллатларга йўл қўйилаётгани ачинарли ҳолдир. Президентимиз Олий Мажлиснинг навбатдан ташқари сессияларида таъкидлаганларидек, маҳаллийчилик, уруғчилик, қариндош ва ошна-оғайниларга ён босиш жамиятимиз тараққиётига хавф солувчи иллатлардандир. Энг ёмони, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ҳам айрим ўзбошимча ҳокимларнинг таъсирига тушиб қолдилар.

Давлатимиз раҳбари: «Бу муаммонинг қанчалик мураккаб ва хавфли эканини, уни қандай ҳал этиш йўлларини англаб етмоғимиз лозим», деб таъкидладилар. Бу борада давлат ва нодавлат ташкилотларнинг самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш, шу асосда давлат идоралари фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатиш кўзда тутилади. Шунинг учун давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари билан ёнма-ён ҳаракат қилувчи фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тизимини барпо этишга киришилди. Фикримизча, фуқаролар томонидан сайлаб қўйиладиган маҳалла, қўрғон, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинлари раисларини туман миқёсида, туман ва шаҳар фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарларини эса вилоят миқёсида бир марказга бирлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ташкил этиладиган вилоят, туман ва шаҳар фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари раислари Кенгашига қуйидаги ваколатлар берилиши мумкин:

1. Жамоатчилик асосида иш олиб бориш.

2. Фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари раисларининг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига давлатҳокимият характерига эга бўлмаган далолатномаларни тузиш ҳуқуқини бериш. Бунда фуқароларнинг манфаатлари бевосита акс этган бўлиши керак. Шунинг учун жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти масалалари кўрилаётганда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари таклиф-мулоҳазалари албатта инобатга олиниши лозим.

3. Фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари вилоят, туман, шаҳар раислари Кенгашига тегишли ҳокимларни лавозимидан четлатиш борасида таклиф киритиш ҳуқуқи берилиши ва бу таклиф тегишли халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва юқори поғона ҳокимлари томонидан албатта муҳокама этилиши керак.

Кенгаш фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органи раиси томонидан камида 4 ойда бир марта чақирилиши мақсадга мувофиқдир.

Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органи жамоат ташкилоти бўлгани учун ҳам аҳолини янгиликлардан воқиф қилиш мақсадида ўз ахборот маркази ёки таҳририятига эга бўлиши лозим.

Фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари Раислари Кенгаши институтининг барпо этилиши халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва ҳокимлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, тегишли ҳудудда демократия ва кишилар манфаатини ҳимоя қилишда кенг имкониятлар яратади.

Анвар САЪДУЛЛАЕВ,
ТДЮИ 1-босқич толиби

Бизнинг мусоҳаба

ҲУҚУҚИНИ ЯХШИ БИЛГАН БУРЧИНИ УНУТМАЙДИ

Сурхондарё вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Ашурали ДАМИНОВ билан суҳбат

- Ашурали Даминович, яқин ўн йил мобайнида «бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш», «ўтиш даврида ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш» каби иборалар барчанинг онгига шу қадар сингиб қолдики... Сизларнинг тизимларингизда ушбу ибораларнинг амалиёти қай даражада?

- Биласизми, раҳбар фақат жимжимадор сўзлар, маърузаларгагина ружу қўйса, унинг фаолиятида барака бўлмайди. Шу боисми, халқимиз чиройли сўзлайдиган эмас, балки ишнинг кўзини биладиган, лафзу ваъдасида турадиган раҳбарларни севади. Аммо қачонки амалга ошириса бўладиган ишларни ҳам бозор иқтисодиёти муаммоларига тақаб, қуруқ маърузабозлик қилиб юриш бугуннинг раҳбарига хос эмас.

- Сиз Сурхон воҳасидаги барча алоқачиларнинг ғамхўрисиз. Табиийки, ўз раҳбаридан зўғум, зулм кўрган алоқа ходими биринчи галда сизга мурожаат қилади. Ростини айтганда, бу ҳамиша ҳам осон кечавермаса керак?

- Гапингиз тўғри. Айрим биродарларимизга ёқмаса ҳам бир мисол келтирай: «Сурхондарё почтаси» ҳиссадорлик жамияти жорий йил бошидан ноқонуний равишда ўз тизими бўйича тўрт соатлик иш куни жорий этган. Бу ҳақда вилоятнинг барча туман почта алоқа бўлимларига телеграмма ҳам жўнатган экан. Ўз навбатида ишчи-хизматчиларнинг ҳақли шикоятлари асосида биз бу масалани ўрганиб чиқиб, ушбу буйруқни бекор қилдик. Айни пайтда 1999 йилнинг январ, феврал ойлари учун ҳам воҳа хушхабарчиларига тўлиқ 8 соатлик иш режими асосида меҳнат ҳақи тўлаш учун «Сурхондарё почтаси» ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти билан тортишаяпмиз. Қонуний йўл билан муаммони ижобий ҳал этамиз, деган умиддаман.

Ўтган Оила йилида «Сурхондарё-телеком» шўъба корхонаси вилоят марказида ўз ишчи-хизматчилари учун 24 квартирали шинам уй қуриб фойдаланишга топширган эди. Аммо ана шу уйнинг бир нечтаси бошқа соҳа кишиларига ҳам бериб юборилди. Табиийки, уйжойга муҳтож бўлган, корхонага узоқ йиллик меҳнати сингган одамларда собиқ раҳбарнинг ушбу адолатсиз тақсимоти норозилик уйғотди. Ҳатто барча қулайликларга эга бўлган 4 та шинам квартира «индонезиялик ҳамкорларга меҳмонхона ўрнида фойдаланиш учун берилади» деган баҳона билан заҳирага сақлаб турилган. Вилоят алоқа корхонасида қирқ йилдан зиёд меҳнат қилган Ражаб Панжиевга узоқ сансоларликдан сўнг 3 хонали квартиранинг калити топширилди. Раҳбарият бўлса «биров қош, яна биров кўз» дея казо-казоларга ҳам уй ҳаля этиб юборавергани. Ҳолбуки, ўзимизда мутахассисларнинг қанчаси ётоқхона ва ижараларда қийналиб истиқомат қилишаяпти.

Уюшмамизнинг 2758 нафар аъзоси бор. Улар тизимимиздаги 41 та корхонада фаолият кўрсатишади. Жамоамиз жуда катта. Демак, орзуларимиз ҳам катта. Ҳали амалга ошмаган истиқболли режаларимиз ҳам сероб.

- «Аёллар йили» қандай кечаяпти?

- 58 нафар фаол опа-сингилларимизни беш кунлик саёҳат-поезд ташкил этиб, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч сингари қадимий шаҳарларга томоша қилдирдик. Йўл, овқатланиш ва меҳмонхона харажатларини қўшиб ҳисоблаганда ушбу хайрли ишга 700 минг сўм сарфланди. Шу йилнинг 9-10 апрел кунлари «Аёллар йили» ва касб байрамига бағишлаб спорт мусобақалари ўтказдик. Ушбу спорт беллашувларини ташкил этиш ва кўнгилли ўтказиш мақсадида корхона томонидан 450 минг сўм, қўмитамиз томонидан эса 200 минг сўм сарфланди.

Бизнинг орзуимиз тизимимизнинг барча шахобчаларида жамоа шартномаларининг тўлиқ бажарилишига эришиш, почта-алоқа ходимларининг ўртача иш ҳақларини республикамиздаги ўртача иш ҳақининг ўн баробарига етказишдир. Албатта, бу осон кечадиган иш эмас. Бунинг учун энг аввало ҳар бир корхонада иш интизомини мустаҳкамлаш ва ҳар бир ходимнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишимиз лозим. Ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши таниган одам зиммасидаги бурчини ҳам унутмайди.

Суҳбатдош:
Бахтиёр ОЛЛОМУРОД

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Қарши ва Сурхондарё вилоятларига қилган ташрифи ва у ерда сўзлаган нутқларини кенг жамоатчилик ўқиб-ўрганмоқда.

Бухоро шаҳридаги И.Шарипов номли маҳалла қўмитасида ҳам бу борада тадбирлар бўлиб ўтди.

СУРАТДА: Ф.Хўжаев тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Мунаввар Нарзуллаева (чапдан биринчи) ва туман прокурори Ф.Ҳасановлар кекса онахон-отахонлар билан суҳбатлашмоқда.

Огоҳ бўлайлик!

ЖАҲОЛАТ

ёхуд етти нафар бегуноҳ умрига зомин бўлган бир қотиллик ҳақида

Ольга Ильинична тор уйда ижарада яшаётган синглиси Татьяна Марковани оиласи билан Темирйўл тумани 36-боши берк кўча, 2-уйга кўчириб, бирга яшай бошлаганидан сўнг хонадондан жанжал аримай қолди. Уй О.Косева номида бўлсада, отамерос мулк сифатида Т.Марковалар ҳам унга ўзларини ҳақдор деб ҳисоблашарди. Т.Маркова «уйни сотаман» деганидан сўнг жанжал айниқса кучайди. О.Косеванинг бўй етган қизи Виктория холаси ва холаваччалари билан ҳар куни юлишар, ҳатто муштлашадиган бўлди.

Отаси қамалгач, назоратсиз қолиб, заиф, касалманд волидасига итоатсиз бўлиб ўсган Виктория шу тариқа уйдагилар билан уришиб чиқиб кетади. Тўғрироғи, у анчадан буён дон олишиб юрадиган жазмани Илҳом Маматқобулов ижарага олган дала ҳовлига 15 ёшли укаси Денис билан кўчиб ўтди. Муқаддам судланган И.Маматқобулов бу ерда содиқ шогирдлари Альберт Фаттохов ва Денис Косевлар билан сандиқ, элак ясаб сотишарди.

Навниҳол жазманининг оҳ-воҳларини тинглаб, унинг уйини ишгол этган қариндошларидан тортиб олиб, эгалик қилиш фикри Илҳомга тинчлик бермай қўяди. Улар шу тариқа Марковалардан ўч олиш пайига тушишди. «Мактаб» кўрган И.Маматқобулов ҳафсала билан шогирдларига сим сиртмоқ билан одамни бўғиб ўлдириш ва бошқа қотиллик усулларини ўргата бошлади. Виктория уйидан зарур ашёлар, ўзи ва онасининг ҳужжатларини келтириб қўйди. Чунки режага кўра интиқомдан сўнг уй ёқиб юборилиши ва шу тариқа жиноий излар йўқотилиши кўзда тутилганди. 1997 йилнинг 27 октябр куни кечга яқин уларнинг олдига кичик укалари Леонид ва Оксана келиб, Татьяна хола бизларни уриб, ҳайдаб юборди, деб арз қилишади. Шу куни кеч соат еттиларда И.Маматқобуловнинг «Москвич-412» русумли машинасида ёвуз ниятли бу гуруҳ Марковлардан «қасос» олиш учун жўнади. Режага кўра, Денис билан Альберт Маринани кассета олиш баҳонасида алдаб олиб чиқиши ва шундан кейин бўғиб ўлдиришлари лозим эди. Дастлаб Денис ва Альберт қўрққанидан бу ишни амалга ошира олмади.

И.Маматқобулов уларга агар буларни ўлдирмасаларинг, ўзларингни йўқ қиламан, дея таҳдид қилиб қайта ишга солади. «Устоз»дан ўлгудай қўрқадиган шогирдлар ишга тушди. Энди улар ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ҳолга келганди. И.Маматқобулов Марина ва Наталья-ни ташқарига чақиради. Виктория уларни чалғитиб турган пайтда ичкарида Денис Т.Маркованинг бўйнига сим сиртмоқ солиб бўғади, Альберт бўйнидаги сиртмоқдан қутулишга уринаётган Т.Косевани оёғидан олиб, йиқитади. Улар Татьяна Косевани ана шундай ваҳшийларча ўлдирадилар. Бу пайт шу ерда ҳозир бўлган И.Маматқобуловнинг буйруғи билан Денис Маринани чақиради.

Марина кириши билан Илҳом унинг қўлини силтаб қайиради, Денис бўйнига сиртмоқ солиб бўғади. Альберт оёғидан тортиб йиқитгач, Маринанинг жони узилади.

Ичкаридаги шовқинни эшитиб, уйга кирган Наталья-нинг орқасидан Альберт бўғиб олади. Илҳом аввал уни мушти билан уради, сўнг то жонидан жудо бўлгунча аёвсиз тепкилайди. Сўнгра ёвуз қотил болалар ётган хонада Татьянанинг 7 яшар қизалоғи Галинани маҳкам ушлаб олади, унинг бўйруғи билан Денис сим сиртмоқни гўдакнинг бўйнига солиб тортади...

Бутун оилани йўқ қилишни мақсад этган жаллодлар бечора Натальянинг 4 яшарлик руҳий касал қизалоғини ҳам оғзига ёстиқ босиб ўлдиришади. Бу ёвузликдан баттар ваҳшийлашиб кетган Денис марҳума Марининанинг ҳали ёшига тўлмаган чақалоғини ҳам ўлдирди.

Шу маҳал тасодифан бу ерга келиб қолган қўшни бола 1980 йилда туғилган Виктор Қосимовни ҳам гувоҳ қолдирмаслик учун йўқ қилишга киришишади. А.Фаттоҳов уни бўғиб туради, И.Маматқобулов эса то ҳушидан кетгунча тепади. Денис беҳуш Викторнинг кўксига пичоқ санчади...

Содир этилган жиноят изларини йўқотиш учун авваддан тайёрлаб қўйилган бензинни жасадлар устига сепиб, газни очиқ қолдириб, ўт қўядилар...

Етти нафар инсоннинг ҳаётини барбод этган бу мудҳиш қотиллик қарийб бир соат ичида амалга оширилади.

Жиноятчилар изларни йўқотишга қанчалик уринишмасин эртаси куни зудлик билан қўлга олинадилар. Самарқанд вилояти прокуратураси алоҳида ва муҳим ишлар бўйича катта терговчиси, адлия маслаҳатчиси И.Йўлдошев бошчилигидаги тергов гуруҳи И.Маматқобулов бошчилигидаги уюшган, махсус тайёрланган жиноий гуруҳ амалга оширган жиноятларни ишонарли далиллар асосида тез фурсатда фош этади.

Бу оилавий қиргинбаротда бегуноҳ уч она, аёл ва уларнинг ҳимоясиз уч боласи ўлдирилган. Суд экспертиза хулосасидан яна шу нарса аён бўлдики, уйга ўт қўйилганда Виктор Қосимов тирик бўлган. Уйни ёқиб юбориш билан жиноятчилар шу маҳалла аҳолисига ҳам жиддий хавф туғдирганлар. Жиноий гуруҳга вояга етмаганлар жалб этилган. Улар балоғатга етмаган, норасида ғўдакларни ўлдиришдан ҳам қайтмадилар. Жасадлар, уларда қолган излар, эксперт хулосалари асосида тугал тергов иши судга оширилди.

Суд жараёнида Денис Косев тергов пайтидаги кўрсатмасига ўзгартиш киритиб, бутун қотилликни бир ўзим амалга оширганман, деди. Унинг айтишича, Виктория ва И.Маматқобулов умуман ўша куни дала ҳовлидан чиқмаган. Денисниг опаси ва устози гуноҳини енгиллатиш учун қилган ҳаракатлари беҳуда кетди.

Уша куни дала ҳовлида бўлган И.Маматқобуловнинг укаси Икром акаси, Виктория, Денис ва Альбертларни олиб, кечки пайт чиқиб кетганлиги ҳамда кечроқ сумка кўтариб қайтишганларини кўрганлигини айтиб, Денисниг кўрсатмасини фош этди. Илҳомнинг машинасини Марковлар уйи олдида кўрган қўшнилар ва укаси Леонидниг терговдаги кўрсатмаси Денисниг ёлғонларини пучга чиқарди. Суд тергови рад этиб бўлмайдиган мантиқий далиллар асосида олиб борилганлиги туфайли жиноят тафсилоти тўла аниқланди.

- Содир этилган жиноят ижтимоий ҳаётимиз учун ўта хавфлидир, - дейди Самарқанд вилоят прокуратураси катта терговчиси, адлия маслаҳатчиси Исматулло Йўлдошев, - бу ҳолни тасаввур қилиш учун жиноий ҳаракатни тайёрлаш жараёнини кўздан кечириб чиқайлик. Аввало, бу жиноий ҳаракат ўта ғаразли мақсадни кўзлаб, яъни бошқа кишига тегишли бўлган молмулкни зўравонлик билан эгаллаб олиш ва уй-жойини йўқ қилиш учун тайёрланган. Тергов жараёнида ана шу ҳолатларга янада аниқлик киритиш учун кўплаб гувоҳларнинг кўрсатмалари диққат билан ўрганилди...

Ўтган йил Самарқанд вилоят судининг очиқ мажлисида бу даҳшатли воқеа қонун тарозисига қўйилди. Инсонлик қиёфасини йўқотиб, етти нафар бегуноҳ одамнинг умрига зомин бўлган ёвузлар муносиб жазосини олишди. Илҳом Маматқобулов ва Альберт Фаттоховга ўлим жазоси тайинланди. Виктория Косева 18 йилни қаттиқ режимли колонияда, Денис Косев эса 12 йилга умумий режимдаги тарбиявий колонияга ҳукм қилинди.

Ҳукм ўқилди, жиноятчилар тегишли жазога маҳкум этилди. Бироқ атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳар биримиздан огоҳликни, ҳушёрликни талаб қилади. Аянчли бу жиноят иши билан танишар экансиз, беихтиёр юзингизга қон сачрагандай ноҳуш ҳолатга тушасиз. Сўнгги пайтда манфуниятли жиноятчиларнинг таъсирига тушиб, даҳшатли қабоҳатга қўл урган ёшлар тарбияси бугунги кунимизнинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур жиноят ишини ўрганиш жараёнида ана шунга ўхшаш ҳолатларда балоғат ёшидаги ўсмирларни ўз ҳолига ташлаб қўйгувчи бефарқ ота-оналарнинг айби ҳам катта. Жиноят иштирокчилари Илҳом Маматқобулов - 23, Виктория - 18, Альберт - 20, Денис эса бор-йўғи 15 ёшда. Бу навқирон, куч-ғайратли ёшлар бир сўз билан айтганда Ҳақ йўлидан тойиб, қабоҳатга қўл урганлар. Уларнинг ота-оналари, қариндошлари улардаги салбий ўзгаришларга аҳамият бермаганлар. То улар инсонлик қиёфаларини буткул йўқотганларига қадар ҳеч ким уларга эътибор бермаган. Бир гуруҳ ёшлар томонидан содир этилган мазкур жиноят бизда уларга нисбатан қанча нафрат уйғотмасин, яна ўйлашга ҳушёрликка чақиради. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун маҳалла-кўй, жамоатчиликнинг таъсир доираси, фаоллигини янада ошириш муҳимдир. Ёшларни ёвуз кучлар таъсиридан ҳимоялаш, жиноятчиликнинг пайини қирқиш нафақат ҳуқуқ-тартибот соҳаси ходимлари, балки барчамизнинг олдимизда турган энг долзарб муаммодир.

Диёра АСҚАРОВА,
Тошкент шаҳар ҳуқуқшунослик лицейи битирувчиси

Президент фармойиши амалда

ИСТИҚЛОЛ КУЙЧИСИНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

Ўзбек халқи оқ ва қизил империя ҳукмронлик қилган даврларда мисли кўрилмаган зулмларни кўрди, ҳадсиз камситилди, ҳақсизлик исканжасида қурбонлар берди. Бегуноҳ, сон-саноқсиз зиёлиларимиз «шўро душмани», «пантуркист», «большевиклар душмани» сингари тамғалар остида жисман йўқотиб юборилди.

Айниқса, шўро ҳокимияти даврида минглаб таниқли зиёлиларимиз - ёзувчилар, шоирлар, журналистлар ва педагоглар қатағон қилиниб, ўлим лагерларига жўнатилди. Бу ҳақсизликларга одилона баҳо бериш жараёни бир воқелик сифатида мустақиллик номи билан муҳрланди. Бу борада Йўлбошчимизнинг хизматлари беқиёс бўлди.

Бой маънавий меросимизни ўрганиш учун илмий, илмий-тарихий тадқиқотларни авж олдириш, бегуноҳ йўқотиб юборилган алломаларимиз ҳаёти ва фаолиятларини, таржимаи ҳолларини атрофлича ўрганиш, уни халқимизга қайтариб бериш каби хайрли ишларни амалга ошириш ҳам бугунги зиёлиларимиз, шаҳсан тарихчиларимиз олдида турган долзарб масала эканлиги қун тартибига қўйилди.

Йўлбошчимиз Ислом Каримов томонидан шу йилнинг 12 майида «Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда жон фидо этган, миллатни ҳуррият ва эркинликка чорлаган, шўро тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид зиёлилар хотираларини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меросини янада чуқур ўрганиш, халқимиз, ўсиб келаётган ёш авлод онгида мустақиллик қадриятларига, инсон ҳақ-ҳуқуқларига юксак ҳурмат-эҳтиром туйғуларини камол топтириш, уларни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, демократик тамойиллар руҳида тарбиялаш мақсадида» Фармойиш қабул қилинди.

Бугун мазкур муаммоларни ўрганиш, тарихий ҳақиқатга илмий амалий ёндашиш ишлари бошланиб кетди. Фидоий тарихчи, филолог, журналист ва шарқшунос олимларимиз томонидан қатағонлик даври тарихини ўрганиш ишлари авж олиб бормоқда.

Ана шундай фидоий тарихчи-филолог олимларимиздан профессор Ҳайдаралли Узоқовнинг саъй-ҳаракатлари, тўплаб нашрга тайёрловчилиги ва унинг сўзбошиси билан атоқли шоир ва улуғ педагог Элбек Машриқ Юнус ўғлининг «Танланган асарлар»ининг илмий-амалий талқинларга бой китоби чоп этилди. Бир сўз билан айтганда, қатағонлик даври тарихи, қатағонга учраган журналист, ёзувчи ва педагогларимиз фаолиятларини кўп йиллардан бери изчил ўрганиб, элимизга тортиқ қилаётган олим Ҳ.Узоқов «миллатчи» сифатида йўқотиб юборилган шоир Элбекнинг бой маънавий меросини ўрганиб, жуда савобли ишга қўл урган. Айни пайтда Элбекнинг «Танланган асарлар»ининг ёруғликка чиқиши ёндашиш ишлари бошланиб кетди. Фидоий тарихчи, филолог, журналист ва шарқшунос олимларимиз томонидан қатағонлик даври тарихини ўрганиш ишлари авж олиб бормоқда.

Ана шундай фидоий тарихчи-филолог олимларимиздан профессор Ҳайдаралли Узоқовнинг саъй-ҳаракатлари, тўплаб нашрга тайёрловчилиги ва унинг сўзбошиси билан атоқли шоир ва улуғ педагог Элбек Машриқ Юнус ўғлининг «Танланган асарлар»ининг илмий-амалий талқинларга бой китоби чоп этилди. Бир сўз билан айтганда, қатағонлик даври тарихи, қатағонга учраган журналист, ёзувчи ва педагогларимиз фаолиятларини кўп йиллардан бери изчил ўрганиб, элимизга тортиқ қилаётган олим Ҳ.Узоқов «миллатчи» сифатида йўқотиб юборилган шоир Элбекнинг бой маънавий меросини ўрганиб, жуда савобли ишга қўл урган. Айни пайтда Элбекнинг «Танланган асарлар»ининг ёруғликка чиқиши ораси.

Мажмуага ўзбек миллий маданиятининг йирик вакилларидан Узбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, академик Алийбек Рустамий, профессор Ориф Усмон, олим Раҳматилла Иноғомов, ҳомий Абдуманноб Абдувосиқов ва шоирнинг ўғли Улуғбек Элбековлар таҳрир ҳайъати сифатида кўмакдошлик қилишган.

«Танланган асарлар» шоирнинг бой ижодиётидан сайлаб олинган мазмунан пухта, таъсирчан, халқ тилида ёзилган шеърлари, масаллари, «Тозагул» романидан боблар, насрий асарлар ва тилшуносликка оид ишларидан намуналардан иборат.

Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, баъзи тадқиқотчилар 20- ва 30-йилларда яратилган асарларни бугунги имлога ўтказишда ўзбек тилининг фонетик кўринишини, талаффуз меъёрини бузиб, ўзбошимчалик билан ҳозирги замон ўзбек тилига яқинлаштирадилар. Бизнингча, бу ҳол хатодир. Чунки тил ижтимоий ҳодиса сифатида ҳар бир даврнинг руҳиятини, ахлоқ муносабатларини, луғат бойлигини кўрсатиб турадиган асосий манбалардан биридир. Шу боисдан Навоий ижодиётини ўрганганимизда ҳам унинг руҳиятини, яъни XV аср ўзбек тилининг талаффузини сақлаган ҳолда ёндашамиз ва тўғри қиламиз. Ана шу маънода тузувчи Элбек ижоди таҳлилига жуда тўғри ёндашган.

Мажмуага шоирнинг чуқур маънога ва илдизга эга бўлган масаллари киритилганки, бу асарларда шоир яшаб ижод этган даврда очиқ айтиш мумкин бўлмаган муаммолар кўтарилган эди. Бу шоирнинг жасорати эди. Ана шундай масалларнинг «Танланган асарлар»га сайлаб киритилгани айни муддао бўлган.

Сайланмада Элбекнинг «Тилшуносликка оид ишлари»дан учта муҳим асари ўрин олган. «Имло масаласи», «Бошлангич мактабда она тили» ва «Ёзув йўллари» асарларининг берилиши сайланманинг илмий-амалий ва услубий савиясини кўтарганлигини алоҳида таъкидлашни истардик.

Хуллас, истиқлолчи шоир, журналист ва йирик педагог Элбекнинг ҳаёти, фаолияти ва педагогик маҳорати, таржимачиликда тутган ўрни, қатағонлик қисмати жуда таъсирли, илмий жаҳатдан асосли қилиб ёритилганлиги таҳсинга лойиқ.

Ориф УСМОН,
филология фанлари доктори, профессор,
Улфат МАҲКАМОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор

Қонун ва ижро

«ФИДОИЙЛИК ТИББИЁТ ХОДИМИГА ЯРАШАДИ»

Президентимиз «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури»нинг лойиҳаси муҳокамасига бағишланган кенгашда шундай дегандилар: «Бизга шунчаки тиббиёт институтларини битириб, диплом олаётган врачлар эмас, чуқур билимга, етарли малакага эга бўлган фидоий мутахассислар керак. Врач ўз қабулига кирган беморга кимсиз, қаерда ишлайсиз деб эмас, балки сизни қандай дард безовта қилаяпти, деб мурожаат этсин. Бу тиббиёт ходимларининг ҳаёт тарзига айланиши керак».

«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонунда беморларга истаган даволаш профилактика муассасасини ёки шифокорни танлаш имконияти берилган. Бундан кўзланган мақсад эса энг яхши даволаш маскани ва энг қўли енгил ва малакали шифокорга талаб ва эҳтиёжнинг ошиб бориши жараёнида сифат ва самарадорликка эришиш кўзда тутилган.

Мухбиримизнинг 1-Тошкент Медицина институтининг даволаш ишлари бўйича проректори, бош шифокор Муродин Холматович ҚОДИРОВ билан суҳбати ҳам айни шу хусусда бўлди.

- Муродин Холматович, мустақил давлатимизнинг биринчи ордени «Соғлом авлод учун» деб номланганидан хабарингиз бор. Президентимизнинг тиббиёт соҳасига бениҳоя эътибори туфайли юзага келаётган Фармон ва қарорлар йил сайин шифокорлар зиммасига катта масъулият юкламоқда. Бугунги кун шифокори, унинг виждони, бурчи ҳақида нима дея оласиз?

- Очиғини айтганда, ҳар бир ақли расо, тан-жони соғ фуқаро ўз юртининг қайсидир жойида, қайсидир соҳасида меҳнат қилади, кун кечиради. Бироқ тиббиёт соҳасида қўлига диплом олган шифокор эл-юрт соғлиғи учун астойдил хизмат қилишга, наинки ўз юрти фуқаролари, балки ҳар қандай инсон саломатлиги учун қайғуришга қасамёд этади. Ва у бу қасамига то ўлгунча содиқ қолишга мажбур. Одам боласи учун тани-соғликдан ортиқ бойлик йўқ. Мамлакатнинг энг асл бойлигини муҳофаза қилиш масъулияти тиббий ходим учун ҳамма нарсадан муқаддас. Борингки, ёмон ҳайдовчи ёки ёмон ёзадиган шоир бўлиши мумкин, бироқ ёмон шифокорни сира кечириб бўлмайди. Бизнинг соҳамизда энг аввал иқтидор, малака, билим ва маҳорат қадр топиши керак. Бунинг одамларга нафи кўпроқ бўлади. Соҳа бўйича чиқарилаётган фармон ва қарорларнинг асоси айнан шунга қаратилгани билан аҳамиятли. Маълумки, тиббиёт олийгоҳи бу алоҳида шифохона эмас. Бу ерда аввало талабалар таҳсил олади. Илм-фан сирларини ўрганади. Шу билан бирга беморлар ҳам тиббиёт соҳасининг билимдон устозлари - доцент ва профессорларнинг аниқ ташҳислари асосида даволанадилар. Билим даргоҳимизда тиббиёт соҳасида бой тажриба тўпланган. Республикамизда унинг ўзига хос ўрни ва тарихи бор. Ўрта Осиёда дастлаб ташкил этилган отахон ўқув юртларидан бири. Мамлакатимизда ҳозир фаолият кўрсатаётган деярли барча тиббиёт олийгоҳлари ундан ажралиб чиққан. Бу ерда мавжуд ўқув бинолари ва даволаш масканлари ҳам тарихий биноларда жойлашган. Бироқ хоналар баҳаво, ҳовлилар кенг ва ям-яшиллиги билан ҳар қандай дардмандларнинг дардига шифо бахш этади.

- Беморхоналарни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланиши қандай?

- Бугунги куннинг талаб ва эҳтиёжи замонавий текшириш ва даволаш усулларини қўллашни бевосита тақозо этмоқда. Жаҳон андозалари асосида таъминлаш ҳам давр талаби. Клиникамизда ҳозирги кунда замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида ташҳис қўйиш, даволаш ишларида бирмунча ишлар қилинди. Айни пайтда клиникамиз УЗИ, Эндоскопия текширув аппаратлари, Сименс фирмасининг ЯМР аппаратлари билан жиҳозланди. Уларнинг қўлланилиши тез ва тўғри ташҳис қўйиш масаласини ҳал қилишдан ташқари, тўғри даволаш тактикаларини аниқлаш ва даволаш жараёнида касалликни қай даражада кечаётганлигини кузатиб бориш имконини ҳам беради...

- Дори-дармон таъминоти қай даражада?

- Клиникамизда ҳар йили ўрта ҳисобда 12 мингдан зиёд бемор ўз дардларидан фориғ бўлиб чиқади, тегишли шифохоналарга ўтказилади. Ёки уларнинг даволаниши учун 37 млн. сўмдан кўпроқ маблағ сарфланади. Бундан ташқари чет эллардан келтирилаётган мурувват ёрдами тариқасида олинган кўп миқдорда дори-дармон воситалари ҳам ишлатилмоқда. «Етса мол, етмаса жон» деганларидек, деярли барча шифокорларимиз хушмуомалалик, ширинсуҳанлик билан беморнинг кўнглини кўтариб, дардига малҳам бўлишмоқда. Умумий терапия бўлимининг мудири, олий тоифадаги шифокор Турсуной Салимованинг ҳузурига кирган бемор унинг асал сўзи таъмидан тотса, тузалмасдан бошқа иложи йўқ.

- Халқ хўжалигининг барча жабҳаларида бўлганидек, тиббиётда ҳам малакали кадр масаласи асосий мавқега эга. Ҳар қандай муаммони кадрлар ҳал қилади...

- Тўғри таъкидладингиз, бизда ўз ишининг етук билимдонлари, юксак касбкор малакаларни эгаллаган, тиббиёт фанининг сараланган мутахассислари талайгина. Чунки улар яхши шогирд тайёрлаши билан бир пайтда беморлар дардига малҳам бўлади, ўз тажрибаларини талабалар шуурига сингдиради ҳам. Муносиб шогирдларининг ҳам, улар қўлидан шифо топган беморларнинг ҳам олқишига сазовор бўлган академик Маҳсумов Жилил Носирович, профессорларимиз К.Ж.Миразизов, К.А.Хожаева, А.Х.Янгиев, Т.Х.Қаюмов, Х.Х.Абдуллаев, К.Н.Нажмиддинов, доцентларимиздан П.С.Кац, Н.Г.Бобоева, М.С.Обидов, Л.Р.Воҳидова, А.Р.Худойбердиев, А.А.Аҳророва, Х.Б.Маҳзумов, олий тоифадаги шифокорларимиздан Т.Б.Салимова, С.М.Бурхонхожаева, Ф.М.Урманова, Ш.М.Муҳиддинов, Ф.У.Бобожонова, З.У.Еринбетов, врач лаборант Людмила Маҳмудовна Раҳматуллаевналар фахримиз ҳисобланади.

Тўғри тан олиш керак, барча соҳаларда бўлганидек бизда ҳам муаммолар йўқ эмас, уларнинг кўпчилиги бугунга кун иқтисодий тақчиллигига бориб тақалади. Айниқса, иморатларни таъмирлаш, беморларни овқатлантириш, жиҳозлар таъминоти, қўшимча дори-дармон воситалари учун ажратилаётган маблағларни меъёрига етмаётганлигида кўринмоқда. Аслини олганда тиббиёт муаммоларининг ҳал этилиши халққа сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, саломатлигини тиклаш, кадрларнинг билим даражаси, жаҳон тиббиёти ривожига қизиқиши, ўз устида қунт билан ишлаши, беморга муносабатига, муомала маданияти ва маънавий оламига ҳар томонлама боғлиқ деб тушунаман. Табаррук истиқлолимизнинг 8 йиллиги байрами ҳам тобора яқинлашмоқда. Мустақиллик тиббиёт соҳасида ҳам қувонса арзийдиган ислоҳотларни амалга ошишига кенг йўл очиб берди. Эндиги гап фақат эл-юртга фидойилик билан хизмат қилишимизда қолган. Худо хоҳласа, биз бу юмушни уддалаймиз...

Ғози РАҲМОН

БИР СИҚИМ СЎЗБОШИ

Ер тарвузининг устида бошқалардан кулгисининг сўрти ва сифати билан ажралиб турадиган эллар-элатлар бир талай... Хўш-ш, Булғорияда габроволиклар, Британ сарҳадида шотландлар, Эронда исфахонликлар, Ҳиндистонда ҳайдарободликлар...

Табиатнинг тантилигини қарангки, кулиш ва кулдириш ҳикматидан ўзбегим ҳам бенасиб қолмаган кўринади. Айтайлик, Бухорода ширинилар, Фарғонада олтиариқликлар, Хоразмда хонқаликлар, Қорақалпоқ элида лаққилар, Қашқа воҳасида...

Тўхтанг! Ие, нега манглайни тириштираяпсиз?.. Наҳотки, дейсизми? Кўнгилни кенг қилинг, биродар. Абдулла Ориф таъбири билан айтганда, «Саҳройи халқ» бўлсак-да, кулгимиз дашту далаларимиздай бепоён, дарёларимиздай шарқироқ, боғроғларимиздек залворли, бироз жайдари ва бироз тиканли...

Қашқа воҳасига йўлингиз тушиб, бу элнинг кулгисидан баҳраманд бўлгингиз келса, аввал Чияли қишлоғига қадам ранжида қилишингизни маслаҳат берардик. Тўғрироғи, Чияли - «жаҳон бозори» бўсағасидан ҳатлаб, яхнани (бу таом бирор-бир мамлакатда учрамайди) «яримта» билан майдалаб, одамларнинг гурунгига қулоқ солсангиз, ўтрик (ёлғон) сўзламаганимизга гувоҳ бўласиз. Мақтаниш эмас, Чиёли бозорининг таърифи азалдан етти иқлимга кетган.

Чияли бозорининг хусусиятларидан бири - бу масканда ўғри, киссавур, каззобнинг йўқлиги. Айтишларича, ўғрининг уруғини чияликлар 30-йилларда энг олий жазо - кулгуга дучор қилишиб қуритишган экан!

Хуллас, «шаф-шаф» деявермасдан «шафтоли» деб қўя қолсак-да, Чиялида эшитган ҳангомалардан кулгисевар дўстларга илинсак.

«ПИШИБ ҚОЛГАН-КУ!»

Қашқадарёда бироз содда, бироз тўпори, лекин гап-сўзга тўн кийдирадиган, ишига пишиқ одамга рўбарў келишганда, ярим ҳазил, ярим ҳавас билан: «Ў-ў, чияликми бу?!» дейишади. Бу таърифдан чияликлар асло ранжишмайди. Шунданми, Нормурод ўтрик ҳам саккиз яшар супрақоқтиси - кенжа ўғли Жовлибойни етаклаб Мойлижар томонга йўл олибди. Баланд бир тепалик устига чиққач, ўғлини синамоқчи бўлиб:

- Улим, ҳов анави жаққа қара! Ҳайла, икки қир наридаги ўрада қорайиб турган бир туп дарахтни кўраяпсанми? - дебди.

- Кўраяпман, ота! - дебди Жовлибой бурнуни тортганча. - Қанақа дарахт эканлигини айтиб берайма?!

- Жўқ! - дебди Нормурод ўтрик хиёл ҳадикда ўғлига термулиб. - Сен менинг улим бўлсанг ана шу қайрағочни тагида қунишиб ўтирган жумронқозиқни кўраяпсанма-жўқма, а?..

Жовлибой қўлини манглайига соябон қилганча, диққат билан тикилиб дермиш:

- Қайси жумронни айтаяпсиз? Анов бир дона арпани орқалаб кетаётган қумурсқанинг ўнг тарафидагими ёки чап тарафида турганинимми?!

- Ў-ў! - дебди Нормурод ўтрик қойил қолганча. - Бўпти, пишиб қопсан! Энди даврага от қўявер, рухсат!

Муҳаммад ОЧИЛ

«Чияли ҳангомалари»дан

ЭРКАК ВАФОЛИ БЎЛСА...

Мулоҳаза

Бахтиёр оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилалар эса ўз-ўзича бахтсиздир, деганда Лев Толстой ҳақ эди. Зеро, бахт инсонга бирдек завқу шодлик бағишлайди. Аммо ҳаёт бахш этган ана шу завқу шодликни, бахтни асраш осонми?

Мен яхши бир оилани билардим. Бу оилада эру хотин жуда аҳил-иноқ яшашарди. Бироқ нима бўлдию, эр икки-уч нотайин жўра орттиргач, улфатчиликка берилиб кетди. Ёмонга яқин юрсанг қораси юқар, деб бежиз айтмайдилар-ку. Ёмон ошналар касрида одамгарчиликдан йироқлашган эр рўзғор ташвишларини, фарзанд тарбиясини унутиб, кайфу сафо оғушида турли қилиқлар ҳам чиқарди. Аввалига қартабозликка, кейин эса хотинбозликка муккасидан кетди. Эркак бўлсанг, маишатингни қилиб қол, болачақа ўз йўлига, деб бир саёқ аёлга илашди. Охир-оқибатда 4 нафар фарзандни, оилани унутиб қўйди, гулдай оила барбод бўлди.

Хўш, аёл нега фарзандларнинг отасини бу йўлдан қайтаришга, оилани сақлаб қолишга ҳаракат қилмади, деган фикр туғилиши мумкин. Бироқ аёл метин эмас, бунинг устига бола тарбияси, рўзғорнинг минг бир юмуши елкасида бўлса... Балки муҳаббати-ю, садоқати оилани асрашга етарли, деб ўйлагандир шўрлик аёл.

Менимча, кўп ҳолларда айрим эркаклар оила, фарзанд масъулиятини унутиб қўядилар. Гўё аёл ҳаммасини ўзи эплаши керакдай. Ахир, ёшлик, навқиронлик даври ҳам ўтиб кетади, бир кун келиб жўралар ҳам унутади. Яна кунига шу аёли, фарзандлари ярайди-ку! Вақтинчалик кўнгилхушликлар учун зое кетган умрнинг ўрнини ҳеч нарса тўлдиролмайди. Ҳадисларда хайр-саховатни ўз оилангдагилардан бошла, деб бежиз айтилмаган, ахир.

Қизилтепада қўша қариган бахтли оилалар кўп. Жумладан, Носиров, Набиев, Бозоров, Асадов, Кистанов, Саидов, Музаффаровларнинг оилаларини ҳамма ҳамиша ҳурмат билан тилга олади. Бу хонадонлар фарзандлари халқ ишига доим камарбаста, ажойиб инсонлар бўлиб улғайганлар. Негаки, улар ўсган хонадонда ота-онанинг ўзаро ҳурмати баланд, аёл доимо эъзозда бўлган. Зеро, оиладаги аҳил муҳит фарзандларнинг етук инсонлар бўлиб етишишида етакчи омилдир.

Стэлла АКРАМОВА,
Қизилтепа туман ФҲДЁ бўлими ходимаси

КЕЛГУСИ СОНДА:

СУБУТСИЗ ҚАДАМНИНГ ҚОНЛИ ИЗИ

ЗЎР ЗЎРНИ КЎРСА...

«ЖИГИТ ХОР БЎЛДИ-КУ?!»

илгарилари шағал ташиса бир-икки «ҳовуч» қум, одам ташиганда қиракашлиги учун уч-тўрт сўм тушиб турарди. Бензин ташиб «бизнес» қиламан деганди, бўлмади. Ёнилғини қулоғингга яраша ўлчаб беришгандан кейин... Бу туришда қачон бири икки бўларкан-а?!

...Шодиқул туман марказидан шундай оғир ўйлар билан «бензовоз»ини «бигиллатиб» ҳайдаб кетаркан, тўсатдан мотор бир-икки йўталди-ю, ўчиб қолди.

- Ҳе, энағар! - дея сўкинди Шодиқул дарғазаб бўлиб. - Мойи тугади-ёв! Хаёлимга келувди-я! Энди нима қилдим? Ҳозир, шопир халқидан пул сурасанг берар, бироқ бензин десанг, лабига учуқ тошади! Уф-ф! Ана жаҳда, эгангни жегир икки инак билан бир тайхор жемсиз қоладиган бўлди-да...

Шодиқул ярим қулоч шланг билан пачоқ пақирини олиб йўл чеккасида ғоз қотганча, ўтган машинага «ҳай-ҳайлаб» қўл силкитишга тушинди. Уч соатда учта шофёр тўхтади-ю, аммо «ортиқча» мой топилмади. Шодиқулнинг хўрлиги келди. Ҳиққиллаганча машина кабинасига кириб ухлашга тутинди. Хиёл ўтмай, хуррак ота бошлади... Қанча ётганнини билмайди, бир пайт кимнингдир турткисидан илкис кўз очди. Қараса, тепасида директорнинг шопири тиржайиб турибди.

- Нима бўйтиб ётибсан, уккағарди ули? Ё қоннипоннинг овриб қолдими-а?! Директор бова идорада илҳақ бўп сени кутаяптику!

Шодиқулга «був-в» дегандек алам қилди.

- Кечадан бери туз тотганим йўқ, энағар! Жигит бўлмай кетай, хор бўлдим-ку! Бензиним тугаб... ўтирибман-да!

- Тур, хафа бўлма! - директорнинг шопири унинг кўнглини кўтарди. - Мана, бир пақир бензин биздан... Кейин икки пақир қилиб қайтарасан, бўптими?!

Шодиқул бош силкиди. Директорнинг шопири кетатуриб орқасига ўгирилди:

- Ўзи сен шаҳардан нима обкелаяпсан?!

Шодиқул асабий тарзда қўл силкиди:

- Аҳ-ҳ! Нима бўларди, бензин-да!

- Ҳў-ў, зирак!

Чиялида соддафеъл, гўлроқ одамларни «зираклар» дейишади. Буни қаранг-ки, шопир Шодиқул ҳам...

Шодиқулнинг бу касб бошини тутганига ўн йилча бўлиб қолди-ёв! Эҳе, бу орада у рулини тутамлаган «техника» қолмади, ҳисоб. Вақти келганда «Дизел»да ер ағдарди, комбайнда буғдой ўрди, «бортовой» машинада қум-шағалга қўшиб одам ҳам, қўй-эчки ҳам ташиди. Мана яқиндан бошлаб «Бензовоз»га ўтди. Шодиқулнинг омадини қарангки, кейинги пайтларда ёнилғининг бозори чаққон бўлиб қолди.

«Қўли текканнинг тиши ҳам тегади», деганларидай Чиялида соддафеъл, гўлроқ одамларни «зираклар» дейишади. Буни қаранг-ки, шопир Шодиқул ҳам...

Шодиқулнинг бу касб бошини тутганига ўн йилча бўлиб қолди-ёв! Эҳе, бу орада у рулини тутамлаган «техника» қолмади, ҳисоб. Вақти келганда «Дизел»да ер ағдарди, комбайнда буғдой ўрди, «бортовой» машинада қум-шағалга қўшиб одам ҳам, қўй-эчки ҳам ташиди. Мана яқиндан бошлаб «Бензовоз»га ўтди. Шодиқулнинг омадини қарангки, кейинги пайтларда ёнилғининг бозори чаққон бўлиб қолди.

«Қўли текканнинг тиши ҳам тегади», деганларидай

Янгилик

«ҚАБОҲАТГА ҚЎЙИЛГАН ТУЗОҚ»

Яқинда «Ўзбектелефильм» студиясида шундай номланган икки қисмли детектив бадиий фильмнинг муҳокамаси бўлиб ўтди. Фильмда акс этган инсон тақдирининг мураккаб жараёнлари, пул, бойлик туфайли димоғи кўтарилиб кетган Султоннинг бир нафаслик маишат деб ҳатто қотиллик содир этиб қўйиши ишонарли тарзда томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Муҳокамада иштирок этган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов фильмда айрим жузъий камчиликлар бўлишига қарамай, уни элга намойиш этиш кераклигини, чунки ҳали ҳаётимизда бундай қабоҳатга йўғрилган манзаралар учраб туришини таъкидлади.

Муҳокама қатнашчилари Султон образини яратган артист Сиддиқ Санаев санъатини олқишладилар. Унинг маҳорати туфайли воқеликлар ғоят ҳаётий ва таъсирчан тус олганлиги таъкидланди.

«Қабоҳатга қўйилган тузоқ» бадиий фильмининг режиссёри Баҳодир Аҳмедов, саҳналаштирувчи оператор Марат Солиев, овоз режиссёри ассистенти Халилулло Тожимуҳаммедовлар тўпланганларнинг қимматли фикрлари учун ташаккур изҳор этишди ва келгусидаги режалари хусусида сўз юритишди

Салима ҚИЛИЧЕВА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Сафар НАЗАРОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМІ'НОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Зайниддин ИСЛОМОВ
Ҳамза ЗОКИРОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0485. Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: А.ОТАБОЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: У.ДЎСТМАТОВ
Терувчи: М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ: 700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Телефон, факс: 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.